

Н.Абдуллаев

ХОРИЖИЙ ГАРБ САНЬЯТИ ТАРИХИ XVII АСРДА ЕВРОПА САНЬЯТИ

Маъruzалар матни

Тошкент 2006

1-мавзу: XVII АСРДА ЕВРОПА САНЬЯТИ

Таянч сўзлар:

Сув каскадлари
Табиат рельефи
Барокко санъати
Барокко асри
Олий ва кичик жанрлар
Маишӣ жанр

Саволлар

1.XVII аср йирик бадиий услуб - классицизм

Классицизм услуги қаерда пайдо бўлди - Франция

Барокко санъатининг классик кўриниши қайси мамлакат санъатида намоён бўлган - Рим меъморлигида

Барокко санъати қаерда готика таъсирида бўлган – Германия

XVII асрда қандай мустақил жанрлар пайдо бўлди – натюроморт, манзара, анимал портрет

XVII асрнинг бошқача номи -"Барокко асри"

Режа:

- 1. XVII асрда Европада ижтимоий –иктисодий вазият ва унинг санъат ҳамда маданиятга таъсири.**
- 2. XVII аср Европа санъатининг ўзига хос жиҳатлари.**
- 3. XVII асрда Европа санъатида “барокко” услуги.**
- 4. Европа санъатида “классицизм” йўналиши.**

1-масала. Илм-фан тараққиёти, жуғрофий кашфиётлар, янги қитъалар, денгиз йўллари халқларнинг ўзаро алоқаси жадаллашувига имконият яратди. Жаҳон халқларининг ижтимоий ҳаёти фаоллашди. Европа мамлакатларида тараққиёт бирмунча тезлашди. Улар кўпгина ўлкаларни босиб олиб, ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Франция, Испания, Португалия, Англия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатлари учун арzon хомашё, ишчи кучи ва янги бозорлар очилиб, улар тез ривожлана бошлади. Бу даврда Осиё, Африка, Америка, Австралия қитъаларида ҳам қатор ижтимоий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, Шарқ мамлакатларида анъанавий санъат ва маданият турлари билан бир қаторда, санъатнинг янги тур ва жанрлари юзага келди. Амалий безак санъатига янги давр технологияси жорий қилина бошлади. Ғарб ва Шарқ санъати анъаналари ўйғунлигига янги санъат йўналишлари шаклланди.

Жаҳон ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида рўй берган бу ўзгаришларда Европа муҳим ўрин тутади. Чунки Шарқ ва Ғарбнинг санъат соҳасидаги ютукларини ўзида мужассамлаштирган Европа қитъасида феодал жамияти қолоқлигига, ижтимоий ҳаётда диннинг ҳукмрон бўлиб қолишига қарши чиқиши бошланди. Бу эса янги муносабатларнинг шаклланишига замин яратди. Хусусан, Нидерландия ва Англия бўлиб ўтган халқ ғалаёнлари Ўрта аср тартиби ва диний черков ҳукмронлигига зарба берди. Голландия Европада намунали капиталистик

давлат тарзида ривожлана бошлади. Лекин феодализм Европанинг кўпгина мамлакатларида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолаверади. Жумладан, Франция ва Испанияда марказлашган абоют монархиялар вужудга келди. Италия ва германияда феодал тарқоқлик ҳукм сурди. Хулқ абсолют монархия зулмига норозолик билдириб, бош кўтарди. Илғор зиёлилар, маърифатпарварлар бу қарашларни қўллаб-қувватладилар. Улар феодализм қолоқлигини қораладилар, фикр эркинлиги ривожланишига тўсқинлик қилувчи кучларга қарши чиқдилар. Италия, Франция, Испания ва бошқа Европа мамлакатларида эски тузумга қарши норозиликлар, халқ ғалаёнлари кучайди. Бу XVIII аср охирига келиб, феодализмнинг узил-кечил инқирозига сабаб бўлди. Ижтимоий муносабатлар ўзгарди, унинг янги шакллари юзага кела бошлади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий курашнинг кучайиши санъат ва маданиятнинг ижтимоий ҳаётда мавқеини ошириди. Дворянлар ва черков санъат ва маданиятни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилдилар. Лекин жамият тараққиётини орқага буриш мумкин эмас эди. Зиддият янада кескинлашб борди. шулар замирида санъатнинг мафкуравий курашдаги роли ортиб, унинг услубий ранг-баранглиги кенгайиб борди.

2-масала. Бу даврда Европа санъати аввалги анъаналар, энг аввало, Уйғониш даври анъаналари заминида камол топди. Унда ҳам инсон, унинг жисми, хистуиғу, ҳаёл тўйғлари, орзу-истаклари ифодаси асосий мавзу бўлди. Санъаткорлар бу даврда инсон ҳиёфасини янада хақоний кўрсатишга, унинг руҳий холатидаги мураккабликларни ва унинг янги қирраларини ёритишга интилдилар. Инсон қаёти, унинг турмуш тарзини тўлақонли талқин этиш шу давр асарлари учун муҳим йўналиш бўлиб қолди. Ҳаёт мураккаблиги, унинг ички зиддият ва курашлари рассом ва ҳайкалтарошлар назаридан четда қолмади. Озодлик, тенглик ғоялари куйланди, шаклланиб келаётган буржуазиянинг кирдикорлари танқид остига олинди. Санъат синтези масаласи бу даврга келиб янгича талқин этила бошланди. Табиат рельефи шу даврда яратилган меъморлик мажмуаларида ҳисобга олинди. Меъморлик бинолари кўча, майдон ва табиат билан янада уйғунлашди. Сув каскадлари ва фаввораларга қизиқиши ортди. Эндиликда санъат тури ва жанрлари орасидаги нисбатлар ҳам ўзгарди. Унинг янги тур ва жанрлари юзага келди. Мавжуд анъанавий сюжетлар билан бирга, ҳаётий воқеаларга бағишлиланган асарлар ҳам кенг миқёсда бадиий ҳаётга кира бошлади. Маиший, манзара ва натюроморт жанрлари мустақил санъат турларига айланди. Инсоннинг ички дунёсига қизиқишининг ортиши портрет санъатини ривожлантириди. Графика мавқеини мустаҳкамлаб сиёсий қаётдаги ўрни ортиб борди. Ҳайкалтарошлик имкониятлари янада кенгайиб у меъморлик ансамблларига кенг кўламда кириб келди, парк-боғ санъатига эътибор ортди. Декоратив рангтасвир интеръерларнинг компоненти сифатида давр руҳини акс эттирувчи муҳим воситага айланди. Бу даврга келиб, ижодий метод, санъатнинг бадиий тили ҳам бойиди, ранг-баранглик касб этди. Яратилган композицияларнинг ҳаётий ва табиий кўринишига эришиш унинг эмоционал жиҳатини оширишда муҳим омил бўлди. Санъаткорлар ижодида ранг, нур-соя, фактура масалалари муҳим ўринни эгаллади Маданиятда қатор ғоявий-бадиий йўналишларининг пайдо бўлиши, аввало айни шу ходиса билан боғлиқдир.

3-масала XVII аср "Барокко асри" деб ҳам юритилади. Бу эса, бежиз эмас. Чунки даврнинг гоявий-эстетик қарашлари айни шу услубда кўпроқ ўз ифодасини топди. Санъат тарихида XVII аср меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларини таърифлаш учун қўлланилган, кейинчалик тасвирий санъатга нисбатан ҳам ишлатила бошланган барокко услубининг белгилари дастлаб Италияда пайдо бўлган. Виньола, Палладио меъморлик асарларида, Микеланжело ҳайкалларида, Коррежо дастгоҳ ва декоратив рангтасвирларида шу тамоиллар намоён бўлган. Барокко услубига хос декоративлилик, нур-соя ўйинига эътибор бериш ва қисғаяжонга тўла асарлар яратиш тамойиллари тезда кўпгина санъаткорларни ўзига жалб эта бошлади. Бу хусусият ғарбий Европа мамлакатларига ёйилди ва маҳаллий санъат услуби ва анъаналари таъсирида ўзига хос миллий рух касб эта борди. Жумладан, Испания ва Португалияда барокко ниҳоятда ҳашамдор, жимжимадор эди. Бунинг сабаби, бу ерда маҳаллий наққошлиқ санъати равнақ топганлигидадир. Германияда эса барокко готика таъсирида ривожланганлиги сезилади. Фландринда "фламанд бароккоси" шаклланган бўлса, Францияда барокко классицизм тамойиллари таъсирида намоён бўлди. Барокко Англия, Скандинавия мамлакатлари, кейинроқ, эса Россияга қам кириб келди.

Бароккога хос фазилатлар Рим меъморлигига ўзининг классик кўринишига эришди. Барокко интеръерларида декоратив рангтасвир, ҳайкал ва колонналар муҳим ўринни эгаллайди. Улар хоналарга бадиий мазмун киритади. Тасвирий санъатда барокко кўпроқ диний мавзудаги асарларда ўзини намоён қилди. Исо ва авлиёларнинг азоб чекишлари, уларни бутга михлаш, Биби Марямнинг аза тутиши каби воқеалар барокко услубида ишланган асарлар учун мавзу бўлди. Асарнинг драматик экспрессив холати тасвирланувчиларнинг мураккаб ракурсларида, нур-соя қарама-қаршилиги ва серҳаракат композицияда ифода қилинади. Фазовий кенглик масаласи қам ўзига хос талқин этилади. У композицияда ягона мажмуа ташкил этувчи омил вазифасини бажаради. Ранг суртмалари ҳам муҳим ифода воситаси сифатида иштирок этади. Агар классик ва Ренессанс санъатида чизиқ муҳим ўрин тўтган бўлса, эндиликда ранг суртмалари, уларнинг эркин ишлатилиши композиция динамикасини оширишда муҳим ўрин эгаллаб, асар бадиийлигини кучайтирувчи восита сифатида иштирок этади. Шунингдек, композицияда узоқ ва яқиндаги буюмларни тасвирлашга, образларни мураккаб ракурсларда жойлаштиришга эътибор бериладики, (масалан, учеб кетаётган, тепадан шиддат билан тушаётган каби), булар ҳам барокко асарларига хос жўшқинлик ва ҳаракатни гавдалантиришга хизмат қилади. Барокко услубида диний мифологик сюжетлардан ташқари, тарихий ва майний мавзуларда яратилган композициялар ҳам мавжуд. Лекин уларда реаллик ва нореаллик қоришиб кетади. Улар безовталиқ, ҳаяжонли ва романтик кўринишда ифода қилинади.

4-масала XVII асрга хос яна бир йирик бадиий услуга классицизм Францияда пайдо бўлди. Унинг вакиллари ақл-идрокни санъатга тўғри йўл кўрсатувчи ягона мезон, деб қисоблашган. Ақл-идрокни ҳис-ҳаяжонга қарши қўйишган. Уларнинг фикрича, ақл кучи билан яратилган асаргина ҳақиқий санъат асари қисобланади.

Классицизм услуби тарафдорлари ҳам Уйғониш даври санъатидан илҳомландилар. Улар ҳам идеал образга мурожаат қиласидилар. Шаклларнинг аниқ

ва эластик тугал, композицияларнинг жиддий мувозанатли ва мантиқий бўлишига эътибор бердилар. Антик давр мифологияси, Тавротга мурожаат қилиб, улардаги сюжетлар орқали ўз даврларининг этик-ақлоқий ва сиёсий муаммоларини кўтаришга ҳаракат қилдилар. Классицизм санъатида ҳам умумлашма асар яратиш асосий муаммо ҳисобланган. Лекин барокко вакиллари йирик умумлашма мавзудаги асарларни динамик композицияда ифода этсалар, классистларнинг асарлари бирмунча вазмин, ритм ва пластик мусиқийликка интилиш асосида яратилади. Бу асрга келиб санъат асарлари олий ва кичик жанрларга ажратилди. Тарихий, мифологик ва диний мавзуда яратилган асарлар олий, комедия, сатира ва халқ майший ҳаётини акс эттирувчи жанрлар кичик ёки қуи жанрларга ажратилиши шу даврга хос мағкура маҳсулидир. Классицизм услубининг ўзига хос жиҳатлари дастлаб XVII асрнинг иккинчи ярмида Италияда меъморлар Виньола ва Палладио ижодида сезила бошланди. Классицизмга хос хусусиятлар меъморликдаги шаклларнинг геометрик аниқлиги ва ритми, мантиқий режалаштирилиши ва кенг қўламда антик меъморлик шаклларидан фойдаланишда намоён бўлади. Классицизм услубида ишланган меъморлик композицияларида ордер тизими мухим роль ўйнайди. Меъмор кўпинча ордер ва уларнинг нисбати ҳамда шаклларини антик даврдагига хос ифодалашга қаракат қиласи. Бунда интеръер ҳам ҳарактерли. Унда ҳам яхлитлик ва улуғвор тантанаворлик мавжуд бўлиш керак. Колонна ва девор юзаси текисликлари ритми бу яхлитлик ва тантанаворлик кўринишига халақит бермаслити лозим. Маҳобатли рангтасвир эса меъморлик ечимининг етакчилигига халақит бермаслиги, майнин ва нафис ранглар гаммаси хонанинг улуғвор ва баҳаво кўринишига хизмат қилиши лозим. Классицизм шаҳар қурилиш санъатида кўпроқ Ренессанс ва барокко услуби тамойилларидан ижобий ўзлаштирган тарзда кўринди ва ривожланди. Табиат кўринишилари меъморлик композицияларида, мажмуналарида ҳисобга олиниб, классицизмнинг талаблари асосида ўзлаштирилди. Тасвирий санъатда классицизмнинг ўзига хос жиҳатлари мавзу танлашдан ташқари, чизиқ пластикаси ва фактура ҳарактерига эътибор беришда ҳам кўринади. Чизиқларнинг мусиқийлиги ва тугаллиги, фактуранинг силлиқлиги классицизм услубида ишланган асарларда яққол кўзга ташланади. Классицизм ўз таракқиётида бошқа услублардан, масалан, барокко услубидан ҳам таъсирланди, унинг айrim томонларини ўзида уйғунлаштириди.

2-мавзу: XVII АСРДА ИТАЛИЯ САНЬЯТИ

Таянч сўзлар:

Байналмилал академия

Саволлар:

XVII аср Европа санъатида “байналмилал академия” ролини бажарган шаҳар - Рим
Римдаги Дель Жезу черкови қандай услубда қурилган – Барокко
Дель Жезу черкови меъмори – Жакома да Виньола, Жакома делла Порта
Петр ибодатхонасининг меъмори – Жованни Лоренцо Бернини
“Давид” асарининг муаллифи - Жованни Лоренцо Бернини

Режа:

- 1. XVII аср Италияда ижтимоий иқтисодий сиёсий вазият.**
- 2. XVII аср Италия маданияти ва санъатининг хос ўзига жиҳатлари.**
- 3. Италия меъморлик санъати. Жованно Бернини ижоди.**

1-масала XVI аср ўрталарида Франция ва Испаниянинг Италияни босиб олиш учун олиб борган ҳарбий ҳаракатлари Испания ғалабаси билан тугади. Италиянинг кўпгина шаҳарлари унинг тасарруфига ўтди. XVII асрда италия иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тарқоқ мамлакат эди. Бироқ ундаги хукмрон табақа вауиллари чет эл босқинчилиги ҳомийлигига ҳаёт кечириш, серхашам, сержило бинолар, сарой ва қасрлар қуриш, тантанали карнаваллар ўтказиш орқали жамиятдаги камчиликларни яширишга интилди. Санъат воситалари орқали ўз обрўйларини оширишга интилдилар. Улар черков бинолари, саройлар, шаҳардан ташқарида сержило ва серхашам қасрлар қурдилар. Бу қурилишлар, айниқса, католицизм маркази бўлган Ватиканда серхашам бўлди. Папа давлати хашам учун маблағни аямади.

2- масала. Сиёсий жиҳатдан тарқоқ ва қарам, иқтисодий жиҳатдан қашшоқ Италия XVII- XVIII аср мобайнида Европадаги муҳим марказ сифатида донг чиқарди. Бу ерда шаклланган ва ривожланган кўплаб бадиий –услубий йўналишлар Италиядан ташқарида ҳам шухрат қозонди. Рим эса Европада бадиий ҳаётнинг маркази, байналмилал академия ролини ўйнади. Антик ва Ренессанс дурдоналарини сақлаб келаётган Римда кўхна ва янги санъат аралашиб, маҳаллий ва чет эл санъати анъаналари таъсирида янги ўзига хос санъат юзага келди. Меъморлиқда ҳажм жиҳатидан катта, шакл жиҳатидан сержило ва кўркам бинолар яратилди. Интерьерлар безакка бойлиги, санъат синтезининг нозик қўриниши билан ўзига хослик касб этади. Қурилган бинолар кўп ҳолларда гумбазли бўлди. Меъморлиқда асосан барокко услуби етакчи ўринни эгаллади.

Италия XVII аср мобайнида Европадаги муҳим марказ сифатида донг чиқарди. Бу ерда шаклланган ва ривожланган кўплаб бадиий-услубий йўналишлар Италиядан ташқарида ҳам шухрат қозонди. Меъморлиқда ҳажм жиҳатидан катта, шакл жиҳатидан сержило ва кўркам бинолар, безакка бой интерьерлар, ҳайкалтарошлиқ ва рангтасвир серхаракат, хис туёғуларга бой асарлар яратилди. Сиёсий жиҳатдан тарқоқ ва қарам, иқтисодий жиҳатдан қашшоқ Италия XVII- XVIII аср мобайнида Европадаги муҳим марказ сифатида донг чиқарди. Бу ерда

шаклланган ва ривожланган кўплаб бадиий-услубий йўналишлар Италиядан ташқарида ҳам шухрат қозонди. Рим эса Европада бадиий ҳаётнинг муҳим маркази, байналминал интернационал академия ролини ўйнади. Антик ва Ренессанс дурдоналарини сақлаб келаётган Римда кухна ва янги санъат аралashiб, махаллий ва чет эл санъати анъаналари таъсирида ўзига хос янги санъат юзага келди. Меъморликда ҳажм жиҳатидан катта, шакл жиҳатидан сержило ва кўркам бинолар яратилди. Интерьерлар безакка бойлиги, санъат синтезининг нозик кўриниши билан ўзига хослик касб этди. Курилган бинолар кўп ҳолларда гумбазли бўлди. Меъморликда, асосан, барокко услуби етакчи ўринни эгаллади. XVIII аср ўрталарида айrim ижодкорлар асарларида классицизм тамойиллари сезилса ҳам, лекин етакчи эмас эди. Италия меъморлари шаҳар кўча ва майдонларини қайта режалаштириш асосида уларга ўрта аср шаҳар кўринишига хос тугаллик ва кўркамлик киритдилар Янги қурилган фаввора, ёдгорлик ва зиналар шаҳар майдонлари бадиийлиги ва эмоционаллигини оширди. Шаҳар ташқарисидаги қурилмаларда теварак-атроф рельефи ҳисобга олиниб, мажмуалар яратилди. Тепалик ва сойликларга ҳайкалтарошлиқ ҳамда амалий санъат асарлари ўрнатилиб ягона меъморлик мажмууси вужудга келтирилди. Барокко меъморлигига бино олд томонига алоҳида эътибор берилади ва унинг декоратив жиҳатдан таъсиричан бўлиши ҳисобга одинади. **Римдаги Дель Жезу черкови** барокко намунасидир. Уни меъмор **Жакомо да Виньола** (1507-1573) бошлаган эди. Унинг вафотидан кейин шогирди Жакомо делла Порта бу ишни тугатган. Қўш плястр, валюта, фаввора ва бошқа қатор декоратив безаклар ва ҳажмлар бинонинг олд томонига ўзига хослик баҳш этган.

Сан-Карло черкови ҳам барокко услубининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади. Бу бинода ҳам юқоридагидек безаклар мавжуд. Ярим айлана, овал, ярим устун ва рельефлар бино юзасидаги нур-соя ўйинини кучайтириб, унинг янада кўркам бўлишини таъминлаган. Бу черков биноси муаллифи, барокко услубининг йирик намояндаси меъмор **Франческо Борроминидир** (1599-1667). У ўз ижодида декоратив безаклардан кенг фойдаланади. Баъзида хатто меъёридан ошириб ҳам юборади. Бу эса у яратган асарлардаги яхлитликка салбий таъсир қиласи. Меъмор интерърларнинг бадиий ечимида ҳам шундай декоратив безак ва ҳайкаллардан кенг фойдаланади.




Сан-Карло черкови.



Сант Иво алла Сапиенца черкови.

Рим. 1638-1667

3- масала. XVII аср санъатининг шу фазилатларининг кўп томонлари меъмор ва ҳайкалтарош, ажойиб декоратор **Жованни Лоренцо Бернини** (1598-1680) ижодида ўз ифодасини топди. Римдаги авлиё Петр соборининг олдидаги катта майдон ва уни ўраб турган устунлар қатори шу санъаткорнинг шоҳ асаридир. Бернини Неапол шаҳрида туғилди. Шу ерда отасидан санъат сирларини ўрганди. 9 ёшида мармарда одам боши ҳайкалинин ишлаб, кўпчиликни ҳайратлантириди. 25 ёшда эса католик Римнинг маҳобатли биноси авлиё Петр ибодатхонасининг бош меъмори этиб тайинланди Унинг қурилишига якун ясад ягона йирик маҳобатли меъморлик мажмуасини яратди.



Авлиё Петр ибодатхонаси майдони

Рим. 1642-1660



Авлиё Петр ибодатхонаси ички қўриниши

XIV асрда қурила бошланган. Уни қуришда Модерн, Браманте, Микеланджело иштирок этишган. Бернини ана шу машқур ибодатхона олд томонида фаввора ва обеликли майдон яратиб, уни устунлар қатори билан улуғворлаштириди. Натижада, собор қўринишидаги тантанаворлик ортди. Бу майдондан ибодатхона яхлит ва улуғвор бўлиб кўринади. Ибодатхонанинг икки томонидаги устунлар қатори томошабинни «гўё қучоғини очиб» (Л.Бернини) кутиб олаётгандек бўлади. Майдон бадиий пластик-визуал ташкил этилиши, айникса, эътиборга молик. Майдон трапеция ва эллипсимон майдончалардан ташкил топган. Бу икки майдончада идрок этилганда горизонтал текистликдаги трапеция ва эллипс гўё ва айлана бўлиб кўринади. Бундан майдон қажми катталашаётгандек туюлади. Бернинининг декораторлик санъати Авлиё Пётр ибодатхонасининг ички интеръерларида ўз ифодасини топган. Турли шакл ва расмлар ибодатхона девор, плафон ва равоқларини безаб интеръерга афсонавий мазмун киритади. Бернини ҳайкалтарош сифатида машқур бўлиб, барокко

хайкалтарошлигининг типик вакилидир. Унинг «Давид», асари, машхур.



Давид. 1623

Унда афсонавий қақрамон Давиднинг жангга кириб, қўлидаги тошни душманга отиш олдидаги важоҳати жуда ҳаётий тасвирланган. Давиднинг кескин бурилган гавдаси, таранг тортилган мушаклари, қаттиқ хисилган лаби, тўзиб кетган сочи ва бир нуқтага тикилган кўзларида унинг руҳий холати акс этган.

З-мавзу: XVII АСРДА ИТАЛИЯ РАНГТАСВИР САНЬЯТИ

Таянч сўзлар:

Рим бароккоси
Болонье академияси
Академия инкамминати
Палаццо
Мумтоз манзара
Плафон рангтасвири
Канон

Саволлар:

Ф.Барромини яшаб ижод этган давр – 1599-1667 йиллар
Болонье академияси асосчилари – Ака-ука Каррачилар
“Академия инкамминати”нинг маъноси – “Тўғри йўлга қадам қўятган академия”
“Академия инкамминати” асосчиси – Лодовико де Каррачи
“Мумтоз манзара” жанрининг асосчиларидан бири – Аннибale Каррачи

Режа:

- 1. XVII аср Италия меъморлик санъати.**
- 2. Пеътро да Картона ижодида барокко услуби.**
- 3. Балонье академияси фаолияти. Ака-ука Каррачилар ижоди.**

1-масала. XVII аср Италия санъатида маҳобатли рангтасвир ривожланди, дастгоҳ рассомликнинг намуналари яратилди. Бу даврда рангтасвир ҳам барокко услубида ривожланб, у XVI аср охири XVII асрда мавжуд бўлган маньерилизмга қарши курашда юзага келди ва Болонье академизми ҳамда караважизм йўналишида намоён бўлди. Иккисида ҳам бароккога хос хусусиятлар-драматиклек қизиқиши, эмоционал, хис-ҳаяжон тили билан гапириш, динамик композиция, нур-соя қарама-қаршилигидан кенг фойдаланиш мавжуд. Лекин мазкур йўналишлар ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Масалан, Болонье академизми натурани ўрганиш ҳамда уни антик ва Ренессанс билан солиштириш ва улар яратган канонларга ўхшатишга асосланади. Караважистлар ижодида эса реалистик жиҳат кучли бўлиб, улар нартурани ўрганадилар. Улар натуранинг туб моҳятини аниқ кўрсатишга интиладилар. Мифологик ва диний мавзуларни оддий ҳалқ ҳаёти воқелигига, ундаги образларни эса оддий кундалик турмушда учрайдиган кишилар образига ўхшатишга ҳаракат қиласилар. Нур, соя имкониятларидан унумли фойдаланиб, асарнинг эмоционал жиҳатини оширадилар. Италия санъатида барокко услуби, айниқса маҳобатли декоратив рангтасвирда сезиларли бўлди. Сарой ва черков бинолари деворлари серҳаракат, кўп фигурали мураккаб ракурсли ёрқин бўёқларди ишланган мифологик ва диний мавзудаги расмлар билан безатилди. Айниқса, шипларга ишланган расмлар ўзининг ниҳоятда динамик ва ҳаяжонли композициялари билан кишини ҳайратлантиради. Расмлардаги фазовий кенглик ва чексизлик, ундаги акс этган воқеалар асарга динамик ҳаракат бахш этади.

2-масала. Сарой ва черков бино деворлари серқаракат, кўп фигурали, мураккаб ракурсли ёрқин бўёқларда ишланган мифологик ва диний мавзудаги расмлар билан безатилди. Айниқса, шипларга ишланган расмлар ўзининг ниҳоятда динамик ва ҳаяжонли композициялари билан кишини ҳайратлантиради. Расмлардаги фазовий кенглик ва чексизлик, унданги акс этган воқеалар асарга динамик ҳаракат бахш этади. Бу ривожланишни даврнинг машқур рассом ва меъмори **Пьетро да Картона** (1596-1669) ижодида қам кўриш мумкин.(Расм 74 Плафон расми.) Унинг ижодида Италияда рангтасивирига хос борокко намоён бўлган. Унинг Римдаги палацциоси шипига ишланган расмлари ниҳоятда таъсирчан ва сербезакдир. Рассом ўз асарларида перспективанинг иллюзион имкониятлари ва фазовий кенглик, нур-соянинг кучидан унумли фойдаланади. Шу жиҳатдан, у кейинчалик Европа ма-ҳобатли-декоратив рангтасивирига сезиларли таъсир ўтказади.

3-масала. Болонье академизми. Италияда ташкил этилган бадиий мактаблардан бири Болонье академияси йўналиш тамойилларини ўзида намоён этади. Бу мактабнинг асосчилари **ака-ука Каррачилар (Лодовико, Агостино, Аннибале)** бўлиб, улар шу янги йўналиш асосларини ишлаб чиқдилар. Улар XVI аср мумтоз санъатини ва, айни чоғда, натурани ўрганиш зарурлигини уқтиридилар. Уларнинг фикрича, натура (борлиқ) гўзаллик қонунлари асосида кўриб чиқилиши лозим эди. Идеал ва гўзаллик қонунларини эса, улар юқори Уйғониш даври санъатида кўрдилар. Улар, аниқроғи, Лодовико де-Каррачи 1585 йили Болоньеда “Академия Инкаммината”, яъни тўғри йўлга қадам кўяётган Академия, деб номланган ўкув даргоҳини ташкил этди. Людовико тўғри ўқитиши ва тарбиялаш орқали расм чизишга қобиляти бўлмаган қўувчини ҳам яхши расм чизадиган мутахассис қилиб тарбиялаш мумкин, деб тарғиб қилди ва ўзи шунга амал қилди. Бу ўкув юрти кейинчалик Италияда ва бошқа мамлакатларда ташкил этилган бадиий академияларнинг ҳам ибтидоси бўлди. Академияда амалий машғулотлар билан бирга, назарий фанлар ягона педагогик тизим асосида олиб борилар эди. Ўқувчилар перспектива, анатомия, тарих, мифологияни ўрганиб, антик давр ҳайкалларидан қалам ва рангда нусха олардилар. Булар сўзсиз, рассомларнинг ихтисослик маҳоратини ўсишига, реалистик санъат тараққиётига муҳим хисса кўшди. Бироқ улар меросга нисбатан идеалистик муносабатда бўлдилар. Ўтмиш маданияти ва санъати эришган ютуқларни етиб бўлмас намуна, деб билдилар. Бу эса ўтмишга тақлид қилиш, улардан нусха кўчириш етакчи бўлиб қолишига, реалистик санъатнинг эса иккинчи даражали бўлиб қолишига сабаб бўлди. Ака-ука Каррачилар маҳобатли-декоратив ва дастгоҳ рангтасивида самарали меҳнат қилдилар. Сарой ва черковларга диний ва мифологик мавзуда композициялар ишладилар. Каррачилар орасида, айниқса, **Аннибале Каррачи** (1560-1604) ўз истеъдоди билан ажralиб турган. У новатор санъаткор сифатида санъат тарихида из қолдирган. Унинг ижоди Европа санъати тарихида ўзига хос ўрин тутади. Аннибале Каррачининг манзара жанридаги ижоди ҳам салмоқли. Мумтоз манзара санъати унинг номи билан чамбарчас боғлиқ. У бу санъатнинг асосчиларидан бири саналади.



**Фарназе галереяси безаклари.
Рим. 1597-1604**

Ака-ука Каррачилар ижоди, уларнинг изланишлари ёш ижодкорларни ўзига эргаштирди. Улар орасида Гвидо (1575-1642) ижоди алоҳида ажралиб туради. Каррачи асарларидаги мумтоз манзараларга хос ҳаётийлик ва бевоситалилигий ижодиди ташқи таъсир ва образларнинг шартлилиги билан уйғунлашади. Шуни айтиш керакки, Италияда XVII асрда расмий услугуб қанчалик етакчилик қилмасин, қўпгина рассомлар ҳаётий, реалистик асарлар яратишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу интилишлари кейинчалик Европа реалистик санъати, жумладан, рангтасвирининг ривожланишида муҳим роль эгаллади.

4-мавзу: XVII АСРДА ИТАЛИЯ РАНГТАСВИРИДА РЕАЛИСТИК ОҚИМ.

Таянч сўзлар:

Реалистик оқим

Ҳаётий жанр

Халқ типлари.

Саволлар:

Реалистик рангтасвир ривожига катта таъсир кўрсатган рассом - Микеланжело Меризи да Караважо

Европа санъатида биринчи бўлиб натюроморт жанрида асар яратган рассом - Микеланжело Меризи да Караважо

Биринчи натюроморт жанрида асар неchanчи йил яратилган – 1596

«Ертўла рангтасвири», «музей рангтасвири» рангтасвирига асос солган рассом - Микеланжело Меризи да Караважо

Режа:

1. Италия рангтасвир санъати ва реалистик жанрнинг ривожи.

- 2. Микеланжело Меризи да Караважо ижоди ва тасвирий санъатда каравожизм оқими.**
- 3. Микеланжело Меризи да Караважо ижодининг Италия ва бошқа мамлакатлар ижодига таъсири.**

1-масала. Италияда XVII асрда расмий услуб қанчалик етакчилик қилмасин, кўпгина рассомлар ҳаётий, реалистик асарлар яратишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу интилишлари кейинчалик Европа реалистик санъати, жумладан, рангтасвирнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Бунда, шубҳасиз, **Микеланжело Меризи да Караважо** (1573-1610) ижоди алоҳида ўрин тутади.

2-масала. Европа реалистик рангтасвирнинг ривожланишида италиялик санъаткорлар муҳим роль ўйнадилар. Бунда, шубҳасиз, **Микеланжело Меризи да Караважо** ижоди алоҳида ўринни эгаллайди. Караважо қисқа умр кўрганига қарамай Европа реалистик санъат тараққиётига кучли таъсир ўтказади. Ломбардиянинг кичик караважо шақарчасида меъмор оиласида дунёга келди. Тасвирий санъат асосларини дастлаб Миланда ўрганди. Тахминан 1590 йилларда Римга кўчиб келди. Бу ерда рассомларга ёрдамчи бўлиб, ишлаб кун кўрди. Сўнг ўз асарларини сотишга ҳам муваффақ бўлиб, йирик асарлар ишлай бошлади. **Караважо** ўз ижодида халқ ҳаётига мурожаат қилди, ёшлар, масҳарабоз ва лўлилар ҳаётидан композициялар яратди. Европа санъатида биринчи бўлиб натюроморт («Мевали сават», 1596) жанрида мустақил асар ишлади. Караважонинг дастлабки йирик асарларидан бири «Лютначи». 1595 йили яратилган бу рангтасвирда рассом ижодининг ўзига хос жиҳатларини, унинг рангтасвир санъатидаги ислоҳотларини намоён бўлади.



“Лютначи”. 1595

Рассом реал борлиқни ҳақиқий санъат манбаи деб уни айнан кўчирмайди, балки энг муҳим ҳарактерли томонларини бўрттириш, кучайтириш ҳисобига ходисаларни таъсирли санъат шакли даражасига кўтаради. Рассомнинг ҳар бир буюм хусусияти ва фактурасини ишонарли тасвирлаши эса асарнинг

таъсирчанлигини ошириб, унинг мазмунини чуқурлаштиради. Образдаги рухий холат, чизиклар пластикасининг гўзаллиги, кескин нур-соя ўйини асарни оддий қаётдан кўчирма эмаслигини билдириб туради. Рассом ўз асарларида нур-соя қарама-қаршилигига ҳам эътибор беради. Асосий образларни ёруғлантириш ҳисобига биринчи планга чиқариш, орка планнинг кўпинча тўқ-қорамтириш гаммада қал этилиши композицияга ўзига хос фазовий кенглик киритади. Рассомнинг бу услуби, кейинчалик Европа санъатида «ертўла рангтасвири», «музей рангтасвири» деб номланган рангтасвирнинг ривожланишига замин яратди. Рассом ижодига тахлид қилувчилар ва унинг ишлаш услубидан фойдаланиб асар яратган рассомларни «караважистлар, йўналишни караважизм деб юритилди.

3-масала. XVII аср давомида Италия Фарбий Европада етакчи бадиий марказ бўлиб келди. Бу ерда пайдо бўлган қўпгина янги жараёнлар бошқа мамлакатларга ҳам ёйилди. Караважо ва Балонье академизми, барокко услуби қўпгина илғор ижодкорларга самарали таъсир қилди. Италия рассомлигига барокко услуби **Доменико Фетти ва Сальватор Роза** ижодида сезилади. Феттининг ёрқин рангдор асарлари, Розанинг мунгли романтик асарлари шу оқимнинг сўнгги, кўринишларини намоён этади.



Доменико Фетти. “Мисрга қочиши”. 1621




Доменико Фетти. Актёр портрети 1618-1620

XVII аср сўнгги чорагидан бошлаб, Италия бароккосида декоративлилик кучая борди. Мураккаб ракурслар ва ҳаракатлар сунъий кўтариинкилик билан яратилган асарлардан ўз устунлигини кўрсата бошлади. Ҳаётий-реалистик жараёнлар айрим рассомлар ижодида намоён бўлди. Жумладан, **Александр Манъясконинг** романтик рух билан сугорилган манзаралари, Жузеппе Кореспининг монументал ва дастгоҳ рангтасвирлари бунинг ёрқин мисолидир.



Александр Маньяско. Дон Кихот. 1710



Александр Маньяско. “Монахлар, ёнаётган олов”.1720

5-мавзу: XVII - XVIII АСРЛАРДА ИСПАНИЯ САНЬАТИ

Таянч сўзлар:

Саволлар:

Испан санъатининг “олтин” даври – XVI асрнинг 80 йилларидан XVII асрнинг 80 йилларигача

XVII асрда тасвирий санъатнинг қайси тури ривожланди – Дастроҳли рангтасвир XVII асрнинг биринчи ярмида сезиларли ижод қилган рассом – Хусепе де Рибера Рибера ижодида қандай мавзу устунлик қиласи – Диний мавзу

Риберанинг қайси асарларида ёруғланиш кучли – “Авлиё Онуфрий”, “Авлиё Инесса”

Испаниянинг бош рассоми унвонига эга бўлган рассом – Франческо Сурбаран Диего де Сильва де мария Веласкес яшаб ижод қилган давр – 1599-1660 йиллар Диего Веласкеснинг 1619 йилда ишланган диний мавзудаги асари – “Мунажжимлар таъзими”

Диего Веласкес тасвирий санъатга биринчилардан бўлиб қандай мавзуни олиб чиқди – Мехнат жараёнини тасвирлаш

Веласкеснинг тарихий мавзудаги асари – “Бреда шахрининг топширилиши”

“Миср йўлидаги дам олиш”, “Бола кўтарган модонна” асарларининг муаллифи – Бартоломе Эстебан Мурильо

Режа:

- 1. XVII асрда Испанияда сиёсий-ижтимоий вазият.**
- 2. Хусепе де Рибера ижодида реализм, идеализм, мистизм.**
- 3. Диего Веласкес ижоди. Испан тасвирий санъатида реализм.**
- 4. XVII асрнинг охирида Испания санъати.**

1-масала. XVII асрнинг 80-йилларидан XVIII асрнинг 80-йилларига қадар бўлган даврда испан санъати ўзининг энг гуллаган "олтин" даврини бошидан кечирди. Бу ривожланиш, айниқса, театр ва адабиётда (Серванtes, Лоне де Вега), тасвирий санъатнинг дастроҳ рангтасвирда ёрқин намоён бўлди. Меъморлик ва ҳайкалтарошлик санъатида ҳам айрим салмоқли асарлар пайдо бўлган бўлса-да, бироқ бу санъат турлари етакчи ўринга кўтарила олмади. Санъатнинг асосий буюртмачиси католик черков ва двоянлар эди. Бу унинг мазмуни ва мавзусини чегаралар эди. Диний сюжетлар асосий ўринга чиқди. Ҳаётый мавзудаги санъат борасида эса портрет санъати етакчилик қилди.

2-масала. Хусепе де Рибера (1591-1652). XVII аср биринчи ярмида Испан санъатида ёрқин из қолдирган рассомлардан бири Рибера эди. У Испаниянинг шу даврдаги реалистик санъатининг муҳим маданият ўчоги бўлган Валенсияда туғилиб, шу ерда рассомлик сирларини ўрганди. Унинг ижодкор бўлиб етишида Италия бўйлаб саёхати муҳим роль ўйнади. Бу ерда Италия усталарининг санъатини ўрганди. Унда Караважонинг асарлари чуқур таассурот қолдирди. Рибера ижодида диний мавзу етакчи ўрин тутади. Мифология, портрет жанрида ижод қилди. Лекин рассом қайси мавзу ёки жанрда ижод этмасин, ҳодисаларни доим реал, ҳаётый талқин этади. Портретларда ўз даври кишилари образларини

яратади. Рибера ҳам Эл Греко сингари авлиёлар, дарвеш ва гадоларнинг тасвирини ишлайди. Уларнинг образлари аниқ ифода этилади. Рассом ҳикоянависликка кўпроқ эътибор беради, тасвирланаёттан ҳар бир образни аниқ кўрсатишга ҳаракат қиласди. У ўзининг бир фигурали композицияларини, одатда, бевосита реал борлиқдан этюд ишлаб, уни умумлашма образ даражасига қўтаришга интилади. Асадаги ёруғ-соя қарама-қаршилиги рассом дастхатининг тўлақонли кўринишини таъминлайди. Ранг суртмаларининг эркин ва қуюқ ишлатилиши унинг асарларига пластик куч бағишлийди, образлардаги улуғворликни оширади. Булар Риберани Караважога яқинлаштиради. "Авлиё Варфоламейни қийнаш" (1630) рассомнинг ilk асарларидандир. Бу асар рассом ижодига хос халқ вакилларини тўлақонли кўрсатиши ва ифоднинг жўшқинлиги билан эътиборни жалб этади. Рассом содир бўлаётган воқеа фожиавийлигини аниқ ва таъсирчан ифода этади. Тасвирланган қиёфалардаги экспрессия, рассом дастхатининг ҳарорати асар динамикасини кучайтиради. Рассом одам гавдасинй юксак маҳорат билан тасвирлаш орқали ўзининг ёруғ-соя имкониятларидан ўринли фойдаланиш қобилиятини намоён қиласди. Унинг болаларга бағишлиган асарлари ҳам ўзининг самимийлиги билан ажralиб туради. "Чўлоқ бола" асари, айниқса, эътиборлидир. У ногирон болага нисбатан чуқур самимийлик ва ҳурмат билан ишланган бу асарда оптимистик рух мавжуд. Рассом шўх, ҳатто, бироз қитмир бола образини ишонарли талқин этади. Рассомнинг ижодий камолотга эришган йилларда яраттан асарларида рангларнинг бир-бирига ўтиши майин, уларнинг колорити ёрқин. Ёрглантиришда табиийлик кучайиб боради. "Авлиё Онуфрий" (1627), "Авлиё Инесса" (1641) каби асарлари шу жиҳатдан эътиборлидир. Рассом тасвирланувчининг ички кечинмаларини лирик рухда тасвирлашга ҳаракат қиласди. Унинг композицияларидаги кенглик ҳаво билан тўла бошлайди. Бу образни янада таъсирчан бўлишини таъминлайди.



Авлиё Инеса. 1641.



Авлиё Себастьян. 1637-1650

З-масала. Санъатнинг асосий буюртмачиси католик черков ва двоянлар эди. Бу унинг мазмуни ва мавзусини чегаралар эди. Диний сюжетлар асосий ўринга чиқди. Ҳаётий мавзудаги санъат борасида эса портрет санъати етакчилик қилди. Шундай рассомлардан Диего де Силва де Мария Веласкес (1599-1660) хисобланади.

Веласкес ғарбий Европанинг йирик рассоми Севиледа қашшоқлаша бошлаган дворян оиласида туғилган. Шу ерда Пачэко деган рассом қўлида дастлабки маълумот олган. Пачэко романтизм вакили, Рафаэл тарафдори бўлган. Веласкеснинг ilk асарларида ўқитувчиси таъсири сезилади. У кўпроқ реалистик санъатда ижод қилади. Унинг "Нонушта", "Сув сотувчи" асарлари жуда таъсирчан яратилган.



Веласкес. "Нонушта". 1617.

Рассом диний мавзуларда асарлар ишлай бошлаган ("Мунажжимлар таъзими" 1619). 1623 йили Веласкес Мадрид шаҳрига борган. У ерда портретчилик билан шугулланган. Ёш қироль Филип IV портрети унга катта шухрат келтирган. У қирол саройи рассоми бўлиб тайинланган. Портрет унинг ижодида етук ўрин эгаллади. 1620 йилда унинг ижодида эркинлик пайдо бўла бошлаган. "Вакх" ёки "Ичувчилар" шундай асарлардан биридир. 1629 йили Италияга саёҳатга борган. Тициан, Тинторето, Веронезе ижоди билан яқиндан танишган. XVII асрдан бошлаб, инсон меҳнати гўзаллиги санъаткорнинг диққатини торта бошлаган. Санъаткорлар меҳнат мавзуида йирик асарлар яратади. Европа санъатида Д. Веласкес биринчи бўлиб меҳнат гўзаллигини шоирона, кўтаринки руҳда талқин этган. Унинг "Гилам тўқувчилар" деб номланган асари ана шулардан дастлабкисидир.



Гилам тўқувчилар.



"Вакх". 1629

Рассом оддий кундалик меҳнат тимсолида инсонларнинг баҳт ҳақидаги орзуларини кўра олган. Композициядаги образларнинг меҳнат қилишлари, уларнинг жисмоний бақувват гавдалари ишонарли талқин этилган. Хонани

түлдириб турган нур эса тинч осойишта ҳаёт гўзалигини кўрсатган. Веласкес тарихии воқеаларни акс эттирувчи асарларни яратган. Европада реалистик тарихни жанр ривожланишига катта хисса қўшган. Унинг “Бреда шахрининг топширилиши” асари шундай тарихий воқеага бағишлиланган. Унда Голландия қалъасини испан қўшинлари томонидан забт этилши тасвириланади. Рассом драматик воқеани гавдалантирган. Испан қўшинларининг қўмондони Спинола мағлубиятта учраган Голландия қўшинлари қўмондони томонидан рамзий калитни олаётган пайт тасвириланган. Рассом ҳар бир тасвириланувчининг руҳий холатини аниқ қўрсатишга ҳаракат қилган. “Калит топшириш” акти орқали олижаноблик улуғланади.



“Бреда шахрининг топширилиши”. 1633-1635.

1630-40 йилларда Веласкес портрет санъатида машхур асарлар яратди. Уларда инсоннинг бой ички дунёси юксак маҳорат билан акс эттирилган. “Иннокентий X портрети” жаҳон реалистик санъатининг нодир ёдгорлиги ҳисобланади.



Иннокентий X портрети

Унда томошибинга қараб турган Рим папаси Иннокентий тасвириланган. Портретда қаттиқўл ва айёр, шу билан бирга, доно ва зийрак шахс қиёфаси кўрсатилган. Веласкес буюк санъаткордир. У ўз асарларида халқпарвар ғояларни илгари сўрган, оддий кишиларга бўлган зўр муҳаббатини шоирона талқин этган. Веласкес оддий кишилар ҳаётига мурожаат қилиб, унда гўзаликни кўра олди.

Шунинг учун ҳам бу асарлар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Рассом ўз қақрамонларини бўрттиrmай, уларни қандай билса шундай тасвирлади. Бу қам унинг портретларини ранг-баранг бўлишига хизмат қилган. Веласкес валёр рангтасвирида асарлар яратган дастлабки рассомлардандир. Унинг асарларида илиқ ва совуқ ранглар ўйини, нур ва ранг товланишлари алоҳида жозиба баҳш этган. Ўринли топилган ранг суртмалари эса асар фактурасига ўзига хослик киритган. Унинг ранг ва нур соҳасидаги кашфиёти кейинчалик Европа санъати тарихида муқим ақамиятга эга бўлди.

5-масала. Бартоломе Эстебан Мурильо (1617-1682). XVII аср испан санъатининг сўнгти вакили Мурило диний ва ҳаётий мавзуларда расмлар ишлаган, портретлар чизган.



У испан реалистик санъатига хос анъаналарни сақлашга ҳаракат қилган ҳолда, мунгли лирик асарлар яратди. Мурильо реализми кўпроқ жанрли композицияларда кўринади. Лекин улар бир мунча мунгли, ғамгин ("Миср йўлидаги дам олиш" 1665-70, "Бола кутарган Мадонна" 1670). Рассом болаларга атаб ҳам композиция ишлаган. Уларда болаларга хос самимийлик, шўхлик ва беғуборлик улуғланади ("Мева кўтарган бола" 1645). Мурильо асарларида ҳикоянафислик мавжуд. Уларда ҳаётий воқеалар таъсиран чан гавдалантирилган.

6-мавзу: XVII АСРДА ФЛОМАНДИЯ САНЬАТИ

Таянч сўзлар:

Фламанд бароккоси

Саволлар:

Фламанд рангтасвирининг етакчи вакили – Рубенс

Рубенснинг ilk устози – Отто ван Вей

Рубенснинг ilk ижодий – 1610

“Вакханалия”, “Шер ови”, “Чўчка ови” асарларининг муаллифи – Рубенс

Мария Медичи ҳаётига бағишлиланаган туркум асарларнинг муаллифи – Рубенс

Рубенснинг “Изобелла портрети” асари яратилаган сана – 1625

Рубенснинг оддий халқ ҳаёти тасвирланган асарлари яратилган йиллар – 1630 йиллар

Ван Дейкнинг дастлабки портретлари мавзуси – фламанд бургер ва зодагонлари тасвири

Ван Дейк умрининг сўнгги ўн йилини ваерда ўтказди – Англияning Карл I саройи

Якоб Иорданс ижодининг асосий мавзулари - Мақол, масал, маталлар

Якоб Иорданснинг “Сатир дехқонлар ҳузурида” асарининг сюжети қаердан олинган – Эзоп масалидан

“Дўкон” номли натюроморт жанридаги асар муаллифи – Франс Снайдерс

Маиший жанрда ижод қилган фламанд рассомлари – Адриан Браувэр ва Тенирс Кичик Давид

Режа:

- 1. XVII аср Фландрияда сиёси-ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт.**
- 2. XVII аср Фландрия тасвирий санъати. Питер Паул Рубенс ижоди.**
- 3. Рассом Антонис Ван Дейк ижодининг ўзига хос қирралари.**

1-масала. XVI асрда Нидерландияда бўлган инқилоб унинг шимолий вилоятларида Голландия буржуа республикасининг ташкил топишига олиб келган бўлсада, унинг жанубий кисмидаги Фламандия Испанияга қарамлигича қолаверди. Маҳаллий дворян ва рухоний феодаллари испанларга ён бериб, халқ миллий озодлик курашини бостиришда қатнашиб ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олдилар. Улар босқинчилар ҳомийлигига дабдабали ҳаёт кечирдилар. Черков, йирик аристократия ва буржуазия шу давр санъатининг асосий буюртмачиси бўлиб қолди.

XVII асрда фламанд санъати рангтасвирида реалистик санъатнинг янги қирраларини кашф этиб, жақон санъати тарихида янги саҳифа очди. Черков санъатнинг асосий буюртмачиси сифатида янги қурилаётган ёки таъмирланаётган кичик ва катта ибодатхоналарни катта-катта деворий суратлар билан безаттириди. Мехроблар учун йирик суратлар ишлатди. Бу суратлар ўзининг драматизми ва таъсирчанлиги билан оммани ўзига жалб этиши ва черков ғояларини тарғиб этиши зарур эди. Аристократия ва шакллалшб келаётган буржуазия ҳам буюртмалар беришда черковдан қолишмасликка интидди. Улар ҳам ўз қаср ва саройларини серҳашам ва гўзал бўлишига катта эътибор бердилар. Диний, мифологик ва дунёвий мавзуда суратлар ишлатдилар, портретчиликка қизиқиб қарадилар. Бу

XVII аср фламанд санъати услуг ва мавзу ранг-баранглигини белгилашда муҳим роль ўйнади. Европа бароккоси бу ерда ўзига хос кўриниш кашф этди. Рангдор, композицияси юксак профессионал маҳорат билан ишланган тўлақонли асарлар яратилди. Шу даврда фламанд бароккоси ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди.

2-масала. Рубенс асли германиялик, ёшлик йилларида ота-онаси билан Фламандрияга кўчиб келди. Шу ерда лотин мактабида ўқиди, сўнгра рассом Отто ван Веей устахонасида расм чизиш асосларини эгаллади. Рубенснинг рассом бўлиб етишишида унинг Италия бўйлаб қилган сафари, айниқса, муқим бўлди. Антик ва Уйғониш (Ренессанс) санъати ватани Италияда Рубенс буюк санъаткорлар асарлари билан яқиндан танишди. Айниқса, Микеланжело, Леонардо да Винчи, Тициан, Веронезе ва Караважо ижоди унга қаттиқ таъсир қилди. Рубенс Антверпенга қайтиб келгач, ижод билан жиддий шуғуллана бошлади. Турли мавзуларда асарлар яратди, портретлар ишлади. Рассомнинг донғи кенг ёйила бошлади. Рассомнинг илк асарлари ўзининг жўшқинлиги, ички қуч-кудратга тўлалиги билан эътиборни тортади. «Бутдан тушириш» (1610-11) асарида кескин ранглар нисбати, шакллар ҳаракати бўлаётган воқеа фожиасини ва унда иштирок этайдан одамлар изтиробини тўла қонли ифодалайди.



«Бутдан тушириш». 1610

Рассомнинг мифологик ва аллегорик мавзудаги асарлари ҳажм жиҳатдан катта, ранги ёрқин ва декоратив, хис-ҳаяжонли, қаҳрамонлари жисмоний бақувват ва дойим ўта ҳаракатда, забардаст, қуч-кувватга тўла. "Шер ови", «Жанг» каби композицияларида ҳам шу холни кўриш мумкин. (Рангли расм.76) 1620 йилдан Рубенс ижодининг энг гуллаган даври бошланиб, асарларининг эмоционал жиҳати янада кучайди. Эндиликда ранг унинг асарларининг таъсирчанлигини белгиловчи ва композициясини ташкил этувчи асосий восита бўлиб қолди. Шу йилларда яратган дастлабки эътиборли асарларидан бири "Персей ва Андромеда" (1620-21) композицияси ҳисобланади.



"Персей ва Андромеда". 1620-1621

Қадимги юонон афсоналаридан олинган сюжет асосида ишланган бу асар ўзининг образли пластик ечими, ҳамда тасвирланувчиларнинг психологик холати ёрқин ифодаланиши билан томошабин диққатини ўзига тортади. Рассомнинг Мария Медичи ҳаётига бағишлиган тарихий мавзудаги асарлар туркуми (1622-25) санъат тарихида муҳим воқеа бўлди. Люксембург саройини безаш учун мўлжалланган бу расмлар Франция қироличаси ҳаёти ва фаолиятини ёритишга қаратилган. Рассом бу туркумдаги асарларни ишлашда реал кўринишларни нореал образлар билан уйғунлаштириб ишлайди. Реал шахс, шароит, муҳит тасвири археологик ва мифологик образлар қуршовида ўзига хос янги дунё сифатида пайдо бўлади. Рубенснинг шу йилларда яратган портретлари ҳам ўзининг чуқур лирикаси, ҳаётийлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Рассомнинг машҳур асарларидан бири "Изобелла портрети" (1625)дир. Тасвирланувчининг мунгли нигоҳи ва очик чехрасида унинг соф қалби, нафосатли аёл сифатидаги қиёфаси ёрқин ифодаланган.



"Изобелла портрети". 1625



"Изобелла билан автопортрет" 1609

30-йиллар рассом ижодининг сўнгти даври бўлиб, эндиликда Рубенс катта бўлмаган ҳажмли асарлар ишлашга кўпроқ эътибор бера бошлади. Ўзининг кўп вақтини шаҳардан ташқарида ўтказди. Шу даврда яратилган асарлари мазмунан чуқур, уларнинг композициясида хотиржамлик сезилади. Шу йилларда рассом оддий халқ ҳаётига кўпроқ мурожаат қила бошлади, табиат манзараларини ишлади, ўз яқинларининг портретларини чизди. Айниқса, ўз оиласи Елена

Фоурмен ва болаларини тасвиirlаб композициялар яратди. Рассомнинг қишлоқ ҳаётига бағишланган асарларида хушчақчақ, серзавқ декқонларнинг рақс ва ўйинларини акс эттиради. Рубенс ижоди Европа санъати тарихида муҳим ўрин тутади. Унинг кейинги тараққиётини Рубенс ижоди таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фламанд ранггасвири равнақи ҳам Рубенс ижоди билан чамфарчас боғлиқ. Кўпгина фламанд рассомлари унинг ижодидан таъсиrlандилар, уни давом эттиридилар. Рассомнинг кўпгина шогирдлари фламанд ранггасвири шуҳратини оширишга ўз хиссаларини қўшдилар.

3-масала. Ван Дейк (1599-1641). Рубенс шогирдларидан бири машхур рассом Антонис Ван Дейк ҳисобланади. Дастрлаб X. Ван Бален, сўнгра Рубенс устахонасида тасвириёт асосларини ўрганган бу рассом ўз ижодини диний-мифологик пландаги асарлар яратиш билан бошлади. Композицияси динамик, образлари тўлақонли, ранглари ёрхин юксак маҳорат билан ишланган унинг бу асарларида Рубенс таъсири яққол кўринади. Лекин аста-секин Ван Дейк асарларида бу ҳислатлар камайиб, образларнинг пластик ечими нозиклашиб, кўтаринкилик рухи лирик кайфият билан алмашиб, ишлаш услуби ҳам нафислашиб боради. Рассом драматик мавзуларга мурожаат қиласи, ўз диққатини психологик ҳолатга қаратса бошлади. Бу уни портрет жанрига мурожаат қилишга даъват этди. У киборлар портрети устаси сифатида танилди. Унинг портретларида киборлар муҳитида тарбияланган, нафис дидли, хотиржам ва ўз кучига ишонган олижаноб кишилар қиёфаси кўринади. Унинг илк портретлари фламанд бургер ва зодагонлари ҳамда уларнинг оила аъзоларига бағишланган ("Оилавий портрет". 1618-1626). Кейинроқ у Грецияда яшаганида ҳам киборларнинг севимли портретчисига айланди. Бу ерда унинг портретчилик санъати равнақ топди. У ишлаган образлар баланд бўйли, туришлари мағур. Уларнинг кўркам либослари портретларини янада кўркам бўлишини таъминлаган. Ван Дейк умрининг сўнгги ўн йилини Англияда Карл I саройида ўтказди. Шу ерда қирол ва унинг оиласи аъзолари портретини чизди. У ишлаган портретларда декоративлилик бирмунча кучайди, рассом тез-тез кўкимтири кумушранг гаммага мурожаат қила бошлади. Англияда яраттан асарлари ичida "Карл I нинг парад портрети" (1635) алоҳида ўринни эгаллайди. Ван Дейк портрети чизилган ўзига хос жиҳатларини маълум даражада идеаллаштиргани ҳолда, унинг енгил табиат, мақтанчоқ ва иродаси кучсиз давлат арбоби эканлигини ҳам усталик билан очиб беради.

7-мавзу: XVII АСРДА ГОЛЛАНДИЯ САНЪАТИ

Таянч сўзлар:

делф фаянслари
офорт
гравюра
қаламсурат

Саволлар:

XVII аср Голландия санъатида қандай усул кўзга ташланади – Классицизм
XVII аср Голландия санъатида Караважо таъсири қачон кўзга ташланади - XVII асрнинг биринчи ўн йиллиги

Голланд реалистик портрет жанри асосчиси – Франс Халълс
Рассом Франс Халълснинг портрет жанридаги асарларининг ажралиб турувчи хусусияти – Характер жиҳатдан майший эканлиги
Франс Халълс томонидан умрининг сўнгги ўн йиллигига яратилган асар – “Регент ва регентшалар гурӯҳ портрети”
“У 1606 йил Лейден шаҳрида тегирмончи оиласида туғилган...” фикр ким ҳақида – Рембранд Харменс ван Рейн
Рембранд ижоди дастлабки босқичини хронологик чегараси – 1625
Рембранднинг машхур “Даная” асари мавзуси нимага асосланган – Мифологияга
Рембранднинг “Муқаддас оила”, “Дераза олдида турган Хендрике”, “Ян Сикс портрети” асарларида қандай ғоялар илгари сурилган – Фалсафий
Рембранднинг “Адашган ўғилнинг қайтиши” асари қачон яратилган – 1669 йил

Режа:

- 1. XVII асрда Голландияда ижтимоий-иктисодий, сиёсий жараёнлар.**
- 2. Ф.Хальс ижодида портрет жанри.**
- 3. Рембранд ижоди.**
- 4. XVII аср II ярмида Голландия сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар ва унинг санъатги таъсири.**
- 5. XVII аср II ярми Голландия санъатида дангиз ва ҳайвонлар тасвири.**

1-масала. Бу асрда Голландия Ғарбий Европада иктиносидий жиҳатдан етакчи ўринга чиқиб олди. Фан ва маданият ривожланди. Китоб босиш ва китоб савдоси, газета чиқариш кенг йўлга қўйилди. Булар, сўзсиз, давр маданияти равожида муҳим ўрин эгаллади. Меъморлик, амалий безак ва айниқса, тасвирий санъатда жиддий ўзгаришлар содир бўлди, бу кейинчалик жаҳон маданияти равнақига самарали таъсир кўрсатди. Бу даврда курилган ратуша, биржа, савдо марказлари, бюргерларнинг кўп қаватли уйлари ниҳоятда кўркам, хашаматли эканлиги, ўзига хос кўриниши билан ажралиб туради. Бу уйларнинг кўпчилиги қизил ғиштдан курилган бўлиб, улар оқ ғишт билан пардозланган. XVII аср ўрталаридан бошлаб, голланд меъморлигига ҳам классицизм усули кенг ёйилди. Амалий декоратив санъат борасида ўзига хос йўналиш вужудга келиб, унда қўлланадиган ранг - баранг шаклдаги делф **фаянслари** европаликларнинг олқишига сазовор бўлди. Голланд санъатида рассомлик, айниқса, рангтасвирида катта ютуқларга эришди. Мазкур санъат ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди ва кейинги жаҳон реалистик санъати ривожланишига самарали таъсир ўтказди. Голланд рассомлари Европада биринчи бўлиб, сарой киборларининг инжиқ талабларига қарши чиқдилар, улар эркин ижод қилиш ва бозор иктиносиди билан кун кечириш мумкинлигини бошлаб бердилар. Санъатга бундай янгича қарашлар унинг ривожланишига, ундаги тур ва жанрларнинг кенгайишига таъсир қилди. Кундалик турмуш, халқ ҳаётидан олинган воқеалар рассомлар дикқатини ўзига жалб этди. Табиат кўриниши, ундаги буюмлар, ҳайвонлар ҳаёти улар ижодининг асосий мавзусига айланди. Голланд рассомлари реалистик санъат анъаналарининг янада чукурлашишига, жанрларнинг кенгайишига, янги жанрларнинг пайдо бўлишига катта ҳисса қўшдилар. Санъатнинг ифода воситалари, ёруғ, соя, фазо муносабатлари, фактура масалалари борасида ҳам катта ютуқларга эришдилар.

XVII аср биринчи ўн йиллигига голланд санъатида *Караважо* таъсвири сезиларли бўлди. Аср ўрталаридан киборлар хоҳиши таъсирида санъат хаддан ортиқ декоратив, серҳашам бўлиб борди. Бу даврда яратилган асарлар кўпроқ театр саҳнасидаги кўринишларни эслатади. Одамлар кимхоб кийимларда тасвирланади. Шойи, духоба ва майин жунли либослар ижодкорлар томонидан зўр маҳорат билан кўрсатилади. Голланд санъатида тарихий жанр бирмунча етакчи ўринни эгаллади. Мифология, Библия ва тарихий воқеаларга атаб кўпгина асарлар яратилди ва улар реалистик талқин этилганлиги билан эътиборни тортади. Голланд санъатида содир бўлган ўзгаришлар дастлаб портрет ва майний жанрда кўрина бошлади.

2-масала. Франс Халс (тах.1560-1666). Голланд реалистик портрет санъати асосчиси, ҳарактери жиҳатидан майний жанрда гуруҳ портрет жанрини яратиб, жаҳон портретчилик санъатини бойитган новатор санъаткор Франс Халс Антверпен шаҳрида туғилган. Кейинчалик Гарлем шаҳрига кўчиб келиб, бутун умр шу ерда яшаган. Унинг илк ижоди хақида аниқ, маълумот сақланмаган. Шунинг учун рассомнинг илк ижоди хақидаги мулоҳазалар унинг XVII аср 10-30 йилларида яратган портретлари тўғрисида фикр билдиришдан бошланади. Бу йилларда у, айниқса, гуруҳ портрет яратиш борасида кўп ишлаган. Улар асосан ўқчи офицерларга бағишлиланган. "Авлиё Георгий ротаси ўқчи офицерлари портрети" (1627), "*Авлиё Адриан ротаси офицерлари портрети*" айниқса машхур. Рассом гуруҳ портретларининг ҳаётий бўлишига ҳаракат қиласи. Тасвирланувчиларнинг юз мимикаси ва гавда, оёқ - қўл ҳаракатларига эътибор беради. Композицияга ҳаётий лавҳалар киритади. Буларнинг ҳаммаси портрет жанри имкониятларини кенгайтириб, уни майний жанрга яқинлаштиради. "Авлиё Георгий ротаси ўқчи офицерлари" портретида офицерлар базми пайтида тасвирланган. Улар қувноқ, бироз ҳазилкаш кайфиятда. Асарда бош қаҳрамон йўқ. Тасвирланганлар ҳаммаси тенг хуқуқли, эркин, ўз кучига ва эртанги кунга ишонч билан қараган. Уларнинг бу ҳолатларида ёш буржуа республикасининг эркинлик, озодлик, тенглик ва биродарлик шиори ўз ифодасини топган. Рассомнинг гуруҳ портретлари композицияни энига кенг олиш ҳисобига қурилган. Юксак маҳорат билан ишлатилган ранг суртмаларида сариқ, қизил, кўк ва шунга ўхшаш ёрқин ранглар ритми асар таъсирчанлигини кучайтириб, тасвирланган воқеанинг монументал ҳарактерини оширади.

Халс алоҳида шахслар портретлари устида ҳам кўп ишлаган. Уларда ҳам жанрли хусусиятлар мавжуд. Рассом тасвирланувчини маълум мухитда тасвирлайди, уларнинг хатти-ҳаракатлари, мимик ҳолатлари ишонарли бўлишига эътибор беради. "Лўли киз портрети" (1620 йил охири), "Валлем ван Хейтхайзен портрети" (1630 йил охири) асарлар шулар жумласидандир.



"Лўли киз портрети".1620.



"Балтазар Койманс портрети".1645.

XVII аср ўрталаридан бошлаб, рассом ижодига хос бўлган жўшқинлик, кўтаринкилик маъюслик кайфияти билан алмаша бошлаган. Асар колорита ҳам жиддийлашиб совуқ ранглар гаммаси унинг асарларида кенг ўрин ола бошлаган, ранглар бир-бирига нозик тусланиш орқали ўтган ва композиция монохром колоритга яқинлашиб борган. Айни ана шу даврда Халс ўзининг баркамол психологик асарларини яратган. Унинг асарларида танқидий қарашлар яққол кўрила бошлаган. У умрининг сўнгги йилларида кариялар уйида яратган "Регент ва регентшалар гуруҳ портрети" машҳурдир. Рассом уларда ўзига зеб берган манман, лекин биродарлик, инсонпарварлик туйғуларидан маҳрум қарияларнинг қиёфасини акс эттиради.



З-масала. Голланд рассомлари Европада биринчи бўлиб, сарой киборларининг инжиқ талабларига қарши эркин ижод қилиш ва бозор иқтисоди билан кун кечириш мумкинлигини бошлаб бердилар. Санъатга бундай янгича қарашлар унинг ривожланишига, ундаги тур ва жанрларнинг кенгайишига таъсир қилди. Кундалик турмуш, халқ ҳаётидан олинган воқеалар рассомлар диққатини ўзига жалб этди. Табиат кўриниши, ундаги буюмлар, ҳайвонлар ҳаёти улар ижодининг асосий мавзусига айланди. Голланд рассомлари реалистик санъат анъаналарининг янада чукурлашишига, жанрларнинг кенгайишига, янги

жанрларнинг пайдо бўлишига катта қисса қўшдилар. Голланд савнатининг энг гуллаган даври XVII аср 40-60 йилларида тўғри келади. Бу ривож буюк голланд рассоми **Рембрандт Харменс ван Рейн** (1606-1669) номи билан боғлиқ. Рембрандт голланд санъатининг ютуқларини умумлаштириб, уни янги юксак поғонага кўтарди қамда ўз даври санъаткорларидан асарлари мавзусининг ранг-баранглиги, рангасвир, гравюра (офорт) ва қаламсуратда юксак маҳоратли асарлар яратса олиши билан ўзиб кетди. Унинг қақрамонлари кучли иродага эга, маънавий бой, оғир шарт-шароитда ҳам инсонийлик фазилатларини сақлай оладиган шахслардир. Рембрандт 1606 йили Лейден шахрида тегирмончи оиласида туғилган. Шу ерда лотин мактабини тугатгач, Лейден университетига қабул қилинган. Лекин Рембрандт у ерда бир йилча ўқиган, холос. Рассомликка бўлган қизиқиш туфайли Яков Сваненбюрх деган ўрта хол рассом устахонасида уч йил, кейинроқ, эса Амстердамда *Питер Ластман* устахонасида бир ярим йилча тасвириёт асосларини ўрганган ва ўз шахрига қайтган. 1625 йили ўз устахонасини ташкил этган. Рассомнинг илк ижоди 20-йиллар сўнгги ва 30-йиллар бошларига тўғри келади. Рассом бу йилларда автопортрет соҳасида кўп меқнат қилиб инсон мимикаси ва унинг киши ички дунёси билан алоқасини тушуниб етишга ҳаракат қилади. Офорт санъатида дастлабки машқларини бошлайди. Санъаткор 1632 йили Амстердамга кўчиб келади ва тезда энг машҳур рассомга айланади. Буюртма ишларнинг кўпайиб бориши унинг моддий мустақил бўлиб, атрофига шогирдларни тўплашига имконият яратди. Рассомнинг бу йилларда яратган асарлари кўтаринки руҳда ишланган. У композицияларини ёрқин бўёқларда тасвирлайди, қимматбаҳо буюмлар, гул ва билурлар, лиbosлар унинг яратган асарларга қувонч ва шодлик туйгуларини киритади.

Рембрандтнинг Амстердамда яратган дастлабки йирик асари "Доктор Тюлпнинг анатомия дарси" (1632) унга катта шухрат келтириди.



"Доктор Тюлпнинг анатомия дарси". 1632.

Докторни ўраб олишган врачлар гурухини акс эттирувчи бу асар композицияси ҳаётий чиққан. Рассом тасвирланувчи ҳар бир образнинг ўзига хос қиёфасини яратиш билан бирга, уларнинг анатомия дарси машғулотларидаги

психологик холатини ҳам очишга муваффақ бўлган. Тасвирланувчилар орасида доктор Тюлпнинг кенг силуэта ва қўлининг эркин каракати кўрсатилгани композицияни марказлаштиришга ва ҳамма образларни ягона ғоя атрофида бирлаштиришга ёрдам берган. Композициянинг яхлит ва тугал бўлишида нур-соя ҳам муҳим ўрин тутган. Нур композиция марказини янада аниқ бўлишига, доктор Тюлп атрофидагиларнинг холат ва ҳарактери табиий бўлишига имкон берган.

1642 йили рассом ўқчи ротаси аскарларининг портретини ишлашга буюртма олади. Бу буюртмани рассом эркин ҳаётий композицияда, майший жанрга яқин холда бажаради. Унда ўқчи рота аъзолари турли холатда қар бир образни жойига қараб катта ва кичик (олдинда, орқа да) холда тасвирланади. Ана шу нарса, яъни бир қиёфанинг олдинги планда катта, бошқа бирининг унинг орқа томонида кичикроқ бўлиб қўриниши буюртмачиларга маъқул бўлмайди. Улар буюртмани олишмайди. "Тунги дозор" деб номланган ана шу композиция рассомнинг кейинги ҳаётига катта таъсир этди.



"Тунги дозор". 1642.

Севимли қайлиғи Саскияning 1642 йили вафот этиши рассомни янада ночор ақволга солади. Лекин қийинчиликлар рассом иродасини бука олмайди. Рассом шу йилларда ижодий камолот чўққисини эгаллаб, инсонийлик ғоялари билан суғорилган чукур фалсафий асарлар яратишга эришди. "Муқаддас оила", "Синдитлар" (Сукно ишлаб чиқариш цехининг бошлиқлари), "Адашган ўғилнинг қайтиши" каби юксак маҳорат билан ишланган ўтқир психологик асарлар яратди. "Муқаддас оила" асарида рассом инсон баҳтини танч ҳаёт ва меҳнатда, оиланинг бағри бутунлигига ифодаласа, "Адашган ўғилнинг қайтиши" рассомнинг сўнгги асарида ҳаёт қанчалик мураккаб эканлигини акс эттиргани холда, инсонга хос фазилат унинг кечирувчинлигини илохийлаштиради.



"Адашган ўғилнинг қайтиши"
1669



"Мұқаддас оила". 1645.

Асарда ота оёғига йиқилгаи ўғил ва уни меҳри ва изтироб билан қаршилаётган ота образи тасвирланган. Отанинг ўз ўғли қилмишларини кечириб, унга меҳр ва ачиниш билан қарши олаётганини рассом зёр маҳорат билан очиб беради. Отанинг қўллари ҳаракатида унинг меҳрибонлиги сезилиб туради. Аксинча, ўғилнинг ялангоёқ, кир, йиртилган, жулдур кийимида тиз чўккан холатда тасвирлаб, афсусланишни акс эттиради. Композицияда тасвирланган бошқа образларнинг сокин, осойишта, чуқур ҳаёлга чўккан холатларини аниқ кўрсатилиши бўлаётган воқеа мазмунини янада тўлиқроқ очилишига ёрдам беради.

Рембрандт қаламсурат ва офортчи сифатида ҳам машхур. Унинг офортлари ўзининг ғоявий йўналиши, юксак маҳоратни намоён этиши жихатидан унинг рангтасвирда яратган асарлари билан бир қаторда туради. У офорт санъатида кичик ҳажмли лирик планда ишланган суратларни ҳам, кўп фигурали майший жанрдаги асарларни ҳам яратди.

Рембрандт. Офорт намуналари.



1



2



3

Офортда ишлаган портретлари ҳам унинг ижодида алоҳида ўрин эгаллаган. Рембрандт ижодининг аҳамияти Голландия учун беқиёс бўлди. Рембрандт реализмининг қудратли кучи шу давр рассомларини ўзига жалб этди. Кейинги санъат тараққиётida муҳим роль ўйнади.

4-масала. XVII аср иккинчи ярми ва учинчи чорагида буржуазия ҳокимиютининг мустаҳкамланиши шу давр Голландия ижодкорларига ҳам таъсир эта бошлади. Хусусан деталлари аниқ суратларга бўлган талаб демократик йўналишидаги асарларининг бирмунча камайишига олиб келди. Шунга қарамасдан, илғор ижодкорлар ҳаёт ҳақиқатини ифодаловчи асарлар яратишга интилдилар. Шундай рассомлардан бири **Дельфтли Ян Вермер** (1632-1775) майший жанрда асарлар яратди. Унинг асарлари мавзуси чегараланган. Бу рассом кўпроқ аёлларнинг хат ўқиётган пайтлари, расм чизаётганликларини, ҳаёл суриб ўтирган ҳолатларини тасвирлайди. Унинг асарлари колорита ниҳоятда нафис. Шу жиҳатдан у Европа санъатида ўткир колористлардан бири ҳисобланади. Рассомнинг худди импрессионистлар сингари ранг суртмаларини эркин ишлатиши услуби унинг асарларини нур ва ҳавога тўлдираётганга ўхшаб, асарларининг эмоционал кучини оширади. Рассом ижодига хос бу хусусият унинг манзараларида ҳам кўринади



"Делфт шаҳри кўриниши". 1660.



"Сутли қўза ушлаган қиз". 1658.

Эмануэл де Витте (1617-1692) майший жанрда самарали меҳнат қилган. У ўз асарларида ҳаёт зиддиятларини тўлақонли тасвирлаган. Бу унинг бозор манзараларига бағишлиланган асарларида яққол кўринади. Масалан, "Балиқ бозори", "Портдаги бозор" ва бошқалар.

XVII аср ўрталаридан бошлаб, голланд майший жанрида ўзгаришлар содир бўла бошлади. Рассомлар оила, уй ичидаги ҳаёт, кундалик турмушни икир-чикири билан тасвирлашга эътибор бердилар.

Питер де Хоох (1629-1689) шундай мавзуда ижод қилган рассомлардан биридир. Бюргер хонадонидаги кундалик турмуш, хўжалик ишлари билан шуғулланиш ("Уй бекаси ва хизматкор аёл" (1657); "Ховлидаги бола етаклаган хизматкор аёл" (1688), "Карта ишқибозлари" (1658) ва бошқалар) унинг асарлари мавзусини белгилайди. Питер де Хоохга ўхшаш рассомларни, одатда, "кичик голландлар" деб аташади. Бу ном улар асарларининг ҳажм жиҳатдан кичиклиги ва

мавзуси ҳарактеридан келиб чиққан. Терборх, Метсю, Стен, Остаде каби рассомлар "кичик голландлар" тоифасидандир.



"Бека ва хизматкор аёл".



“Она”. 1660.

Адриан ван Остаде (1610-1685) дехқонлар ҳаёти, қахвахонадаги воқеалар, устахонадаги ишга бағишиланган асарлар муаллифидир. Бу суратлар енгил юмор ва лирик қайфият билан суғорилған ("Қишлоқдаги қахвахона" 1660, "Рассом үз устахонсида" 1663 ва б.). Аксинча, **Ян Стен** (1626-27-79) халқ. сайиллари ва базмлар, бюргерлар ҳаётидан олинган сюжетларга суратлар ишлади. Хатто, Библиядан олинган сюжетларга суратлар ишлаганида ҳам уларни гүё ердаги ҳаётга ўхшатади. Уларга ҳаётий юмористик эпизодлар киритади. У композициядаги ҳар бир образ ва эпизодлар ҳарактерини очишга интилади. Бу хусусият, айниқса, интим мавзудаги кичик асарларида яққол сезилади. Масалан, "Бемор аёл ва врач" (1660).



“Алхимик”.1663.



“Рассом устахонасида”.1663.

Герард Терборх (1617-1681) майший ва портрет жанрларида самарали ижод қилди. У күпроқ; буржуазия ва зодагонлар ҳаётига бағишиланган асарлар яратди. У шойи, атлас, тиник шиша буюмлар ва бошқа нарсалар юзаси фактурасини ніхоятда усталик билан тасвирлайды. Унинг образлари аристократик рух билан суғорилған. Күп ҳолларда кумушранг колорит унинг асарлари асосини ташкил этиб, унга ўзига хос поэтик рух беради (Лимонадли кадаҳ." 1655-1660).



“Лимонадли қадаҳ”. 1665.



“Зөйтлар ва қиз”. 1662.

Габриэл Метсю (1629-1667) ҳам мавзу танлаш, буюмларни фактурасига эътибор бериша Терборхга яқин. Лекин колоритни бир мунча ёрқин олиши билан ажralиб туради. XVII аср голланд рассомлигидаги реалистик манзара жанри кенг тарқалган. Рассомлар бу жанрда жонажон ўлкаларининг табиатини ўзига хос колоритини тасвирий санъатда бадиий ифодалаб, жаҳон реалистик манзара санъатини юксалтирдилар.



“Бемор бола”. 1660.



“Устриқа билан нонушта”. 1660.

Ян ван Гойен (1595-1656) голланд манзара санъатининг етук вакили. У реал борлиқни ўрганиш асосида асарлар яратган. Биринчи бўлиб тонал рангтасвирда асарлар ишлаган, табиатнинг нам ҳавосини усталик билан тасвирлаган.

Якоб ван Рейсдал (1626-1692) манзаралари ўзининг хис-туйғу ва кайфиятларга бойлиги билан ажralиб туради. Унинг асарлари мавзуси кенг. Қишлоқ кўринишлари, текислик ва қумтепаликлар, ўрмон ботқоқликлари ва денгизлари турли кўринишда тасвирланади. Рейсдал ижодининг гуллаган даврида драматик манзаралар ҳам яратди. Бу йилларда Рейсдал кўпинча табиатнинг авзои ўзгариши пайтларини тасвирлайди. Осмонни қора булутлар эгаллайди. Уларнинг ораларидан тушган ёруғлик у ёки бу ерни ёритади. Атрофга нотинчлик, безовталик ва сирли кўриниш киритади. Рассом табиатни доимий ҳаракатда

күрсатади. Унинг асарларида дараҳтлар шамолдан силкинаётгандек, дарё ва денгиз тўлқинлари мавж ураётгандек, қуюк булултар осмон узра сузиб бораётгандек туюлади. Бу хусусият унинг манзарапарига драматик ҳолат баҳш этади.



“Ўрмондаги йўл.” 1650 йиллар охири. “Қиши манзараси”. 1670.

5-масала. Мейндерт Хоббема (1638-1709) ижодида ўрмон кўринишлари, сув тегирмонлари манзараси алоҳида ўрин тутади. Унинг асарларида осойишталик хукм суради. "Мидделхарнис йўли" асарида рассом перспектива қонуниятидан фойдаланиб, фазовий кенглик ва чексизликни ишонарли тасвирлайди.



"Мидделхарнис йўли". 1689.

Голланд рассомлари ўз ижодларида ҳайвонлар тасвирини ишлашга ҳам катта эътибор бердилар. Улар ҳайвонлар кўриниши, анатомик тузилишини ниҳоятда усталик билан тасвирлашга эришиб, анимал жанр ривожига хисса кўшдилар. Жумладан, **Паулус Поттер** (1625-1654), **Альберт Кейп** (1620-95) ҳайвонлар подасини очиқликда, табиат қўйнида, ўтлаб юрган ёки дам олаётган пайтида тасвирлайдилар.

XVII аср голланд санъатида денгиз манзараларини тасвирлаш ҳам алоҳида ўрин тутади. Рассомлар бу мавзуда, айниқса марина жанрини ривожлантиридилар. **В.де Вельде, X.Сегерс, Я.Порселлис** ва бошқа голланд рассомлари шу борада самарали ижод қилдилар ва манзара жанрини бойитдилар.

XVII аср иккинчи ярмидан бошлаб бошқа юртлар, энг аввало Италия манзараларини акс эттиришга интилевчи голланд рассомлари гурухи шаклана бопшади. Бу рассомлар Италия табиатини чизиш буйича мутахассислашдилар. Уларнинг бир қисми Италияда бўлиб, бевосита манзаралар ишлаган бўлсалар, яна бир қисми ўз хамкасабалари ижодидан илҳомланиб, уларга тақлид қилиб манзаралар ишладилар. Булар ичидаги **Клас Берхем** (1620-73), **Фелипс Воуверман** (1619-1668) ижоди бирмунча ажralиб туради. Жумладан, Берхем кун ботиш чоғидаги одамлар, ҳайвонларни тасвирилаб таъсирчан манзаралар яратади. Воувермен асарлари ҳам шу жиҳати билан диққатни тортади. У деталларни тугал, колоритини таъсирчан бўлишига ҳаракат қиласи. Лекин Италия манзараларини ишлаган бу рассомлар асарларида чуқур ҳис-туйғулар, ҳаётийлик етишмайди.

XVII аср голланд санъатида натюроморт мустақил жанр даражасига кўтарилиди. Голланд натюроморти айниқса, нонушта тайёрланган стол усти кўриниши кенг ўринни эгаллайди. Улар нонушта столи устидаги пишган оқ нон, шаробга тўлдирилган нозик шиша қадаҳлар, кумушдан ясалган турли чой ва шароб идишларини маҳорат билан тасвирладилар. Бу мавзуда **Виллем Клас Хеда** (1594-1682) самарали ижод қилди. (Пирогли нонушта").

Авраам ван Бейерен (тажм. 1621-1690) ва **Биллем Калф** (1622-1693) балиқ ва денгиз қисқибакаларидан, турли уй анжомлари ва меваларни тасвирлаб, ажойиб натюромортлар яратдилар. Ўз натюромортларига фаянс идишлар, кумуш буюмлар, қимматбаҳо қадаҳ ва турли чиганоклар киритиб, уларнинг таъсирчан бўлишига эришдилар. Уларнинг натюроморт композициялари мураккаб, колорити бой ва ёрқин. В.Калфнинг "Эрталабки нонушта", Бейереннинг "Десерт"асарларида шу хусусиятлар мавжуд.

XVII аср 70-йилларидан Голланд санъати инқирозга учрай бошлади. Санъат дунёсига кириб келаётган янги ёш ижодкорлар голланд буржуазияси талабларига мослашиб, санъатнинг демократик принципларидан чекина бошладилар. Бу хусусият портрет санъатида образларни идеаллаштиришга, уларни барокко парад портретларига ўхшатиб ишлашда, ташқи эффектга эътибор беришда сезилади. Буни натюроморт ва манзара жанрида ҳам кўриш мумкин. Маиший жанрдаги асарларда ҳам ҳаёт ҳарорати йўқолиб бориши шу инқирозга олиб келди. Голландия билан Англия орасидаги уруш Голландиянииг денгиз савдо-сотиқ ишларидан маҳрум бўла боришига, мамлакат мавқеининг янада пасайишига олиб келди. Бу голланд санъати инқирозини тезлаштириб, ундаги демократик йўналишга барҳам берди.

8-мавзу: XVII АСР ФРАНЦИЯ САНЪАТИ

Таянч сўзлар:

"Буюк аср"

Классицизм

Саволлар:

Франция қирол рассомлик ва ҳайкалтарошлиқ академияси очилган йил – 1648 йил
Франция қирол мөймөрчилик академияси тузилган сана йил – 1671 йил

Лувр саройининг шарқий томони мөймори – К.Перро

XVII аср биринчи ярми Франция санъатида мавжуд бўлган асосий услублар –
барокко ва классицизм

Симон Вуэ ижодининг кейинги даврлари қайси йўналиш таъсирида бўлган -
Балонье мактаби таъсири

Жак Каллонинг “Каприччи” номли туркум асарлари нимага бағишиланган –
Флоренцияликлар турмушига

XVII асрнинг икиинчи ярмида Франция санъатида асосий рол эгаллаган услуг –
Классицизм

Никола Пуссен тасвирдаги воқеалар ҳаракатини қандай атайди – “Гавданинг тили”
1630 йиллар Пуссен ижоди нимаси билан характерли - Мунгли фалсафий
қарашларни акс эттириши билан

1640 йил Никола Пуссен ижодида қандай жанр устунлик қиласди – Манзара жанри
Пуссен ижодининг сўнгги босқичида яратилган “Геркулес ва Какус жангига” асари
сюжети олинган асар - I аср Рим ёзувчиси Вергилийнинг "Энеида" поэмаси

Режа:

1. XVII аср Францияда сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт
2. XVII асрнинг биринчи ярми Франция санъати. Симон Вуэ ижоди.
3. Жак Калло ижодида офорт.
4. Франция санъатида классицизм ва Никола Пуссен ижоди.
5. Клод Лоррен ижодида манзара жанри.

1- масала. XVII асрга келиб, Франция Европанинг қудратли давлатларидан
бирига айланиб "буюк аср" номи билан тарихга кирди. Шу даврда миллий
маданиятда кўтарилиш юз берди. Мусиқа, тасвирий санъат, мөймөрчилик
борасидаги ютуқлар кейинчалик Европа санъати ривожида муҳим роль ўйнади.
Бу асрда шаҳар ва шаҳардан ташқарида кўплаб мөймөрлик мажмуалари, қирол ва
зодагонларнинг қароргоҳ ва саройлари, буржуазия бойларининг ўйлари қурилди.
Версал сарой-боғ мажмуаси, тантанавор аркалар, кўприклар ҳамда жамоат
бинолари барпо этилди. Қирол ҳашаматли ва катта мөймөрлик мажмуалари орқали
шарафланди, санъатнинг бошқа турлари ҳам шу йўналиш билан боғлиқ холда
ривожланди. Аристократиянинг нафис амалий буюмларга бўлган талабини
қондиришга қирол Гобелен мануфактураси муҳим роль ўйнади. Бу ерда қироль
саройини безаш учун зарур уй-анжом буюмлари, мебел, шпалер ва бошқа
буюмлар ишлаб чиқарилди. Бу буюмлар қироль саройи зодагонларини буюртмаси
ва талаби асосида бажарилди. XVII аср француз санъати услуг жиҳатдан ҳам
ранг-баранг. Унда бир томондан Италия ренесанси ва барокко таъсири сезилса,
иккинчи томондан классицизм пайдо бўла бошлагани билинади. Хиёбон-боғ
(парк) санъати равнақ топиши кейинчалик Европа санъатининг, ривожланишига
катта таъсир ўтказди. XVII аср француз мөймөрчилигининг ёдгорликлари ичida
қиролича Мария Медичи учун қурилган Люксембург саройи, Людовик XVII
нинг қароргоҳи жойлашган Версалъ саройи мажмуаси (1603-1689) машхур.

Версаль саройи мажмуасининг олд томони сержило, бинолари эса тантанавор қилиб ишланган. Саройнинг марказий биносида қабулхона ва бал ўтказишга мўлжаллаб қурилган хоналар декоратив безакка бой. Саройнинг марказий хонаси қиролнинг ётоқхонаси бўлиб, унга борадиган заллар безатилишига алоҳида эътибор берилган. Сарой атрофи сайилгоҳининг режаси ҳам қатъий ягона ўқ атрофида қурилган, унинг асосий хиёбони атрофида фаввора ва ҳайкаллар симметрик асосида жойлаштирилган. Марказдаги катта ховуз эса унга тугаллик берган. Бронза ва мармардан ишланган ҳайкалтарошлиқ асарлари сайлгоҳга кўтаринки рух киритган. Бу ҳайкаллар декоратив мақсадда ишланган.

2- масала. Тасвирий санъат. Бу санъатда қам давр изланишлари ва бошқарувчи киборларнинг тилак ва истаклари асосида амалга оширилди. Барокко, классицизм ва реалистик санъат йўналишлари ўзаро рақобатда ривожланди. Кундалик ҳаёт муаммолари эса реалистик санъатни аста етакчи ўринга ўтказа бошлади. Декоративлилик ва серҳашамлик ҳамда жимжимадорликка интилиш, воқеликни бирмунча идеалаштириб ишлаш барокко санъатининг нафислашиб бораётган кўринишини намоён этди. Бу жиқатдан, **Симон Вуэ** (1590-1649) ижоди муҳим ўринни эгаллайди. Сарой расмий санъатининг йирик вакили ва йўлбошчиси Вуэ асарларини ўзига хос таъсиран қилиб ишлашга интилиб образларни идеаллаштиришга, ишлатилган буюм ва шаклларнинг нафис ва жимжимадор бўлишига, рангларнинг сержилва бўлишига ғоят эътибор беради, унинг асарлари купчилик томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди, сарой ва умуман француз рассомлари томонидан эътироф этилди. Унта таклид килувчилар купайди. Шу тарзда, Вуэ ижоди таъсирида француз барокко санъати тамойиллари кенг ёйилди.



“Похищение Европы”. 1640.



“Исо Симон Фарисей уйида”. 1630.

3-масала. Реалистик санъат равнаки XVII аср француз реалистик санъатининг биринчи йирик вакили, график ва қалам суратлар устаси, офортчи **Жак Калло** (1592-1635) ижоди билан боғлиқ. У Франциянинг Нанси вилоятида


туғилған, тасвирий санъат асарларини бошқа күпгина француз санъаткорлари сингари Италияда ўрганған. У дастлаб Римда яшаган. Сүнгра Флоренцияда Тоскан Герцоги саройида рассом бўлиб ишлаган. Унинг асарлари мавзуси кенг ва ранг-баранг. Диний мавзуда яратган асарлари салмоқли ўринни эгаллайди. Рассомнинг дастлабки график туркум асарлари унинг Италияда яшаган йилларида (1608-1621) яратилған. Бу туркумда у флоренцияликлар турмушига бағишлиланған ранг-баранг ҳәётий лавҳалар, италян комедиялари персонажларини акс эттирувчи кўринишлар тасвирланған. Улар ўзининг ҳәётийлиги, деталларининг жонлилиги билан ажралиб туради. Калло Италияда 13 йил (1608-1621) яшаб, ижодий камолга эришгач, ўз юртига қайтади. Шу ерда у халқ ҳәётини акс эттирувчи жиддий ва чукур мазмунли асарлар ишлади. Оддий кишиларнинг оғир турмушини ўз асарларида ачиниш билан ифодалади. Калло ижодининг сўнгги даврида яратилған асарлар ичида "Урушнинг катта ва кичик талофотлари" (1630) асарлари туркуми ажралиб туради. Бу асарларида рассом уруш фожиасини ва келтирган талофотларни юксак маҳорат билан тасвирлайди. Бу билан у ўзининг реал воқеликка танқидий муносабатларини намоён қиласди. Уруш халққа жабр-зулм келтиришини, ҳарбийларнинг талончилиги ва ваҳшийлигини кўрсатади. Калло ижодининг сўнги даврида манзара жанрига мурожаат қиласди. У ўз манзараларида ҳавога ва нурга тўлган бепоён кенгликларни усталик билан тасвирлайди. Каллонинг реалистик манзаралари кейинчалик француз реалистик манзара рассомлиги ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

5-масала. XVII аср ўрталари ва иккинчи ярмидан бошлаб француз санъатида классицизм асосий йўналишларидан бирига айланди. XVII аср француз санъатининг йирик намоёндаси Никола Пуссен (1594-1665) классицизмнинг йирик вакили сифатида унинг бутун имкониятларини рўй-рост очиб берди. Н.Пуссен Франциянинг шимолий шаҳарчаларидан бирида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келди. Тасвирий санъат асосларини шу ердаги рассомлардан ўрганди. 1610 йил бошларида Пуссен Италия бўйлаб саёҳат қиласди, уйғониш даври санъати намуналари билан танишди. Айникса Рафаэл ижоди унда катта таассурот қолдирди. Рассомнинг диний воқеаларга ишлаган суратларида барокко таъсири, унинг мифология асосида ишлаган суратларида Тицианга хос ранг ҳис қилиш ҳәётни тўлақонли англаш сезилади. Бу суратлар кўтаринки руҳда чизилған. Ёзув услуби ҳам эркин, колорити илиқ, нурга бой. 1620 йил охирларидан бошлаб, Пуссен ижодида классицизмнинг ўзига хос томонлари кўрина бошлади. Ишлаган асарларида образларни идеаллаштириш ва композицияни ақл-идрок орқали тартибга келтиришга интилиш сезилади.



“Танкред ва Эрминия”. 1630.

«Танкред ва Эрминия» асарида рассом амазонка Эрминиянинг ўз рақиби, яраланган рицарь Танкредга нисбатан уйғонган мұхаббати тасвирланади. Асада яраланган Танкредни жуда эктиёткорлик билан күтараётган Бадрин (Танкреддинг дўсти) ва оқ отидан тушиб, ўз қиличи билан сочини кесиб, ярадор Танкреддинг ярасини боғлаш учун ҳаракат қилаётган Эрминия кўрсатилади. Асада икки қарама-қарши образ бир томондан, ҳаётдан кўз юмаётган Танкред ва иккинчи томондан, ҳаяжонланаётган Эрминия хатти-қаракатлари таъсирчан ифода қилинган. Танкред ва унинг дўсти устидаги темир никоб ва хилпираётган Эрминия кийимлари асарнинг драматиклигини оширади. Ботиб бораётган қуёшнинг шафақ нурлари эса бўлиб ўтган воқеалардаги қайғуни билдиради. Пуссен ижодига хос муҳим хусусиятлардан бири воқеликни ҳаракатда тасвирлашдир. Рассом ҳаракатни "гавданинг тили" деб таърифлайди. Гавда ҳаракати, юзда бўладиган мимик ўзгаришлар, имо-ишорадан рассом шахснинг ички дунёсини таърифлашда фойдаланади. 1630 йилларга келиб, Пуссен ижодида ҳаёт тўғрисидаги мунгли фалсафий қарашлар намоён бўла бошлади.



“Поклонение золотому тельцу”



“Похиёения собинянок”

Инсон ҳаёти ниҳоятда қисқа ва ўткинчи эканлигини ачиниш билан ифодалайди. 1640 йил охирларига келиб, Пуссен манзара жанрига мурожаат қила бошлайди. Табиат қўринишидаги улуғворлик, бепоёнлик, сирга тўла холат рассомни ҳаяжонлантиради. Пуссен табиатни одамларсиз тасаввур эта олмайди. Рассом асарларида табиатнинг улуғвор ва чексизлигини ифода қиласи Уларда

инсон ва табиат уйғунлиги, инсон табиат олдида кичик зарра экашшги талқин этилади. Пуссен ижодининг сўнгги босқичида яратилган "Геркулес ва Какус жанги" асари сюжети I аср Рим ёзувчиси Вергилийнинг "Энеида" поэмасидан олинган. Унда антик қаҳрамон Геркулеснинг Какус билан бўлган жанги қикоя қилинади. Композицияда табиат қўриниши асосий ўринни эгаллайди. Маҳобатли тоғ, баланд дарахтлар, осмондаги булатлар улуғвор, табиат қўринишини яратади. Шу табиат қўйнида тасвирланган Геркулес ва мағлубиятга учраган Какус қўриниши бу улуғворликни бузмагандек сокин ва хотиржам. Шу хотиржамлик ва табиат ичидаги зиддиятларда рассом ҳаёт мазмунини кўради. Пуссенning йил фаслларига бағишлиланган асарлари инсон қаётининг тўрт фасл рамзи сифатида талқин этилади.



"Ёз" ("Йил фасллари"). 1660-1664.



"Киш" ("Йил фасллари"). 1660-1664.

Пуссен ижодида қаламсурат ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу суратлар бўлажак асарнинг яратиш пайтида ишланган бўлиб, рассом ҳар бир асари композицияси устида узоқ вақт ишлаганигини ва композиция яратиш борасида излаганигини кўрсатади. Пуссен ижоди француз санъати тарихида муҳим ўринни эгаллайди. У яратган мумтоз услугуб француз санъатида кейинги асрда давом этди, ривожлантирилди.

6-масала. Клод Лоррен (1600-1682). Классицизмнинг йирик вакили, классик манзарани таниқли намояндаси Клод Желле (Лоррен унинг адабий тахаллуси) ёшлигига келиб қолди. Кейинги қаёти Рим билан боғлиқ бўлди. Лоррен асосан классик манзарада ижод қилган. Унинг манзаралари лирик хис туйғу билан суғорилган бўлиб, улар кўп холларда мунгли кайфиятда тасвирланади. Рассом асарларда табиат тинч холатда кўрсатилади. Унинг асарларида ярим вайронга бўлган антик ёки афсонавий меъморлик қолдиқлари кўркам дарахтлар фонида ғоят жозибали қўринади.



“Кампо Вччино Римда”. 1630.



“Отплытие св.Урсулы”. 1641.

Лоррен классик манзара санъатининг вакилидир. Унинг композициялари аниқ тартибда ишланган. Лекин бу унинг реалистик характерига путур етказмайди. Рассом ҳавога тўла бепоён қенгликни усталик билан кўрсатади. Ундаги нур ва соя товланишларини маҳорат билан гавдалантиради. Рассомнинг "Тонг", "Туш пайти", "Кечки пайт" асарлари ўзига хос ранг тизимида ечилган. Лоррен қаламсурат санъатида ҳам самарали ижод қилди. Унинг натурадан ишлаган суратлари ҳамда офорtlари ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради ва рассомнинг кузатувчанлигидан далолат беради. Рассом классик манзара жанрининг мукаммал кўринишини яратди. Унинг ижоди кейинчалик француз ва Европа санъатига сезиларли таъсир ўтказди.



“Пейзаж с пастухом”. 1630.



“Пейзаж с бракосочитанием Исаака и Ревеки”. 1648.

9-мавзу: XVII АСР ФРАНЦИЯ САНЪАТИДА БАРОККО

Таянч сўзлар:

Француз пластикаси
Расмий портрет
Декоратив – ҳайкалтарошлиқ

Саволлар:

"Дам олаётган Геракл" ҳайкали муаллифи - Пер Пюже

Пюженинг Версал учун ишланган ҳайкали – “Милинли Кратон”

Рассом Шарль Лебрён ижодиқайси саройларни безашда ишлатилди – Лувр, Вофле, Виконт, Версаль

Расмий портрет жанрида ижод қылған рассомлар – Гиациот Ригл, Никола Лержильер

Режа:

- 1. Франция мейморлигиде декоратив ҳайкалтарошликт. Пьер Пюжо ижоди.**
- 2. Франция рангтасвир санъатида портрет жанри: Г.Ригл ва Н.Ларжильер ижоди.**

1-масала. XVII аср француз ҳайкалтарошлиги күпроқ декоратив ва парк санъати билан боғлиқ холда ривожланди. Француз пластикасининг ана шу ривожланиши фонида йирик француз ҳайкалтароши, рассом ва меймори **Пер Пюже(1620-94)** ижоди ажралиб туради. Пюже ўз ижодини ёғоч ўймакорлиги билан бошлаган. Италия бўйлаб кезган, Рим ва Флоренцияда ижод этиб яшаган. Микеланжело, Бернини, Картона ижодидан таъсирланган. Унинг ilk асари Тулондаги ратуша пештоқи учун ишланган ҳайкалидир. Унда пахлавоннинг балкон балюстрадасини кўтариб турган пайтидаги кўриниш драматик талқин этилган. ҳайкалдаги декоратив деталларнинг бойлиги, ҳажмларнинг ифодали ва ёқимли нур соясидаги товланиши унинг таъсирчанлигини оширишда муҳим ўринни эгаллаган. Пахлавонларнинг бўртган мушаклари, бақувват гавдалари қамда қиёфалари ишонарли, ўз композицияларининг қаётый бўлишига интилганлигидан далолат беради. **“Дам олаётган Геракл”** ҳайкалида қам жисмоний кучли киши қиёфаси юксак мақорат билан ишланган.

Пюженинг Версал учун ишланган «Милинли Кратон» ҳайкалида инсон азоб уқубати ва унга бардоши эмоционал кайфиятда талқин этилган. қўли дарахт ёриғига кириб қолиши қисобига шердан енгилиб қалок бўлаётган кучли атлет фожеаси қаяжонли ва драматик талқин этилган. Унинг қаттиғқаракатида дақшатли вазиятдан қутлишга интилш кўрсатилади. Унинг қиёфаси, гавда ва қўл мушакларининг таранглашганлиги ва гавданинг кучли қаракати ундаги кучғ кудратни ишонарли намоён этади.



«Милинли Кратон».1682.



“Аскандар ва Диоген”.Рельеф.1692.

Умрини сўнгига яратилган бу асар, сўзсиз санъаткорнинг юксак намуналаридан қисобланади. Сарой аристократияси Пюже ижодини унчалик қадрламаган. Унинг ижоди фақат XVIII асрдагина кўпгина ҳайкалтарошлар томонидан севиб ўрганилди, ютуқлари ривожгантирилди.

2-масала. Людовик XIV даври услубининг типик вакили, қиролнинг биринчи рассоми, академиянинг президенти **Шарл Лебрён** (1619-90) рангтасвир санъатида самарали меҳнат қилди. Ҳайкалтарош оиласида туғилган, Семён Вуэ устахонасида сўнгра Италияда Пуссен қўлида ўқиган рассом тезда француз санъатида бадиий диктатор вазифасини ўтай бошлади ва ўз ижоди билан давр бадиий ҳаётининг мазмун ва йўналишини белгилади. Унинг ижодида деворий расм етакчи ўринни эгаллайди. Унинг композициялари ўта динамик, жимжимадор ва манзарали. Рассом ҳаётий воқеаларни жимжимадор ранг наққошлиги билан узвий боғлаб ишлайди. Бу унинг ишларини декоратив манзарали жиҳатини янада ошириб юборади. Рассом кўпгина саройларни безашда қатнашган. Лувр, Вофле, Виконт ва Версал учун деворий суратлар ишлаган. Бу суратларда Людовик XIV фаолиятига бағищланган композициялар учрайди. Рассом қаламсурат ва композицияга алоҳида эътибор беради. Колорит эса унинг эътиборидан бирмунча четда қолади.



Канцлер Сегье. 1655-57.



Роспись свода зала Королевского Дворца Версале. 1686

XVII аср иккинчи ярмида тантанавор расмий портрет соҳасида рассомлар самарали ижод қилиб, кейинги Европа портретчилигига сезиларли таъсир ўтказди. Мифологик ва аллегорик портретлар яратилди. Бу давр француз портретчилигига декоратив тамойиллар ва барокко кучли бўлса ҳам, лекин аср охирида бирмунча сусайгани ва ҳаётий ва табиий композициялар пайдо бўлгани сезилади. Даврнинг йирик портретчилари Гиациот Риго (1659-1743) Никола Лержилер (1656-1746) ижоди алоҳида ажралиб туради. Улар ижоди кейинги аср портретчилик санъатига катта таъсир қилди.

XVII аср охирига келиб классицизм мавқи сусайиб халқ ҳаётига қизиқиш кучая борди. Бу эса реалистик санъат ривожланишига, унинг жанрлари кенгайишига, мавзусининг ранг-баранг бўлишига замин яратди.

Барокко 11 савол

- XVII аср "Барокко асри" деб ҳам юритилади

- "Барокко асри" ибораси дастлаб Санъат тарихида XVII аср меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларини таърифлаш учун қўлланилган, кейинчалик тасвирий санъатга нисбатан ҳам ишлатила бошланган

-"Барокко асри" Виньола, Палладио меъморлик асарларида, Микеланжело ҳайкалларида, Коррежо дастгоҳ ва декоратив рангтасвирларида шу тамоиллар намоён бўлган.

- Барокко услубига хос хусусият- декоративлилик, нур-соя ўйинига бойлиги ва эътибор бериш ва ҳис-ҳаяжонга тўлалиги билан.

-Испания ва Португалияда барокко услубига хос хусусият- ниҳоятда ҳашамдор, жимжимадорлик

- Бароккога хос фазилатлар қайси санъатда ўзининг классик кўринишига эришди - Рим меъморлигига.

- Барокко интеръерларини безашда қайси санъат турлари қўлланилган-декоратив ранггасвир, ҳайкал ва колонналар.

- Барокко услубида ишланган тасвирий санъатда асарлари қандай мавзу етакчи бўлган - диний мавзу.

- Исо ва авлиёларнинг азоб чекишлиари, уларни бутга михлаш, Биби Марямнинг аза тутиши каби воқеалар қайси давр тасвиий санъатида етакчи мавзу бўлган – барокко давр услубида ишланган асарларда .

- Барокко услубида бажарилган асарнинг драматик экспрессив холатини оширувчи ифода воситаси - нур-соя ва ранг суртмалари

-Барокко услубида ишланган асарлар қандай кўринишда идрок этилади - безовталик, ҳаяжонли ва романтик кўринишда.

Классицизм

- классицизм бадиий услуг қаерда пайдо бўлган - Францияда.

- классицизм бадиий услугга хос хусусият - ақл-идрокни санъатга түғрийўл кўрсатувчи ягона мезон деб ҳисобланишида.

- Классистларнинг фикрича ҳақиқий санъат асари - ақл кучи билан яратилган асар.

- Классицизм санъатида асосий муаммо - умумлашма асар яратиш.

- Классицизм бадиий услугга хос хусусият - асарларни вазмин, ритм ва пластик мусиқий яратишга интилишида

- Асарларни олий ва кичик жанрларга ажратиш тушунчаси қачон авйдо бўлган?- Классицизм санъатида .

- Классицизм санъати қачон пайдо бўлган – 17 асрда

- Классицизм услугбининг ўзига хос жиҳатлари қачон бошланган - дастлаб XVII асрнинг иккинчи ярмида Италияда меъморлар Виньола ва Палладио ижодида

. Классицизмга хос хусусиятлар меъморликнинг қайси кўринишида намоён бўлади -шаклларнинг геометрик аниқлиги ва ритми, мантиқий режалаштирилиши ва кенг кўламда антик меъморлик шаклларидан фойдаланишида.

- Классицизм услубида ишланган меъморликда муҳим роль ўйнайдиган унсур - ордер тизими - колонналар.

- Тасвирий санъатда классицизмнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади - мавзу танлашда, чизик пластикаси ва фактура ҳарактерига эътибор беришда.

- Классицизм услубида ишланган тасвирий санъат асарларга хос хусусиятлар- чизикларнинг мусиқийлиги ва тугаллиги, фактуранинг силлиқлигига

Италия

- XVII- аср Италияning машҳур меъмор ва ҳайкалтарош, декоратори- Жованни Лоренцо Бернини (1598-1680).

-Жованни Лоренцо Бернинининг шоҳ асари Римдаги авлиё Петр соборининг олдидаги катта майдон ва - уни ўраб турган устунлар қатори

-Римнинг маҳобатли биноси авлиё Петр ибодатхонаси меъморлик мажмуасининг қурилишига якун ясаганмеъмор - Л.Бернини

-Римнинг маҳобатли биноси авлиё Петр ибодатхонаси қурилиши қачон бошланган? -XIV асрда.

-Римнинг маҳобатли биноси авлиё Петр ибодатхонасини қуришда иштирок этган меъморлар - Модерна, Браманте, Микеланджело.

- Бернинининг декораторлик санъати қайси бинода ўз ифодасини топган- Авлиё Пётр ибодатхонасининг ички интеръерларида

Италия барокко ҳайкалтарошлигининг типик вакили – Л.Бернини.

- Л.Бернинининг машҳур асари - «Давид» ҳайкали

- Афсонавий қаҳрамон Давиднинг ҳайкалини кимлар ишлаган - Л.Бернини, Микеланжело

- Л.Бернинининг машҳур асари - «Давид» асарида нима тасвирланган? - афсонавий қаҳрамон Давиднинг жангта кириб, қўлидаги тошни душманга отиш олдидаги важоҳати тасвирланган.

- Л.Бернинининг - «Давид» асарида ҳаракат қандай кўрсатилган -Давиднинг кескин бурилган гавдаси, таранг тортилган мушаклари, қаттиқ хисилган лаби, тўзиб кетган сочи ва бир нуқтага тикилган кўзлари орқали тасвирланган.

- XVII- аср Италия санъатида маҳобатли рангтасвирроивожига хисса қўшган машҳур рассом ва меъмор- **Пьетро да Картона** (1596-1669)

-Италияда рангтасиврида борокко услубида ишлаган рассом- **Пьетро да Картона**.

-Европа реалистик рангтасвирнинг ривожланишига хисса қўшган италиялик санъаткор - **Микеланжело Меризи да Караважо** (1573-1610)

-Европа санъатида биринчи бўлиб натюроморт («Мевали сават», 1596) жанрида мустақил асар яратган рассом - Караважо

- «Лютнаци» асарнинг муаллифи - Караважо

- Караважо ўз асарларида нимага қўпроқ эътибор берган- нур-соя қарама-каршилигига.

- Европа санъатида «ертўла рангтасвири», «музей рангтасвири» деб номланган рангтасвирнинг асосчиси – Караважо

-«караважистлар, караважизм йўналишни вакиллари кимлар - Караважо ижодига тахлид қилувчилар ва унинг ишлаш услубидан фойдаланиб асар яратган рассомлар .

-«караважистлар”дан кимларни биласиз? – Рембрандт,

- Фламанд рангасвир санъатининг йўлбошчиси - Рубенс

- Рубенс қаерда туғилган - Германияда

Рубенснинг ilk асарларига хос хусусият – ўта жўшқинлик образларнинг ички куч-қудратга тўлалигида

Рубенснинг ilk асари - «Бутдан тушириш” (1610-11)

- Рубенс ижодининг энг гуллаган даври - XVII- асрнинг 20-йиллари

- Рубенс ижодининг энг гуллаган даврида яратилган асарлар - - "Персей ва Андромеда" (1620-21)

- Рубенснинг тарихий мавзудаги машҳур асари - Мария Медичи ҳаётига бағишлиланган туркуми (1622-25) асар.

- Франция қироличаси Мария Медичи ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган туркуми (1622-25) асар қаерга ишланган - Люксембург саройига ишланган.

Рубенснинг машҳур портретлари нимаси билан ажralиб туради - ўзининг чуқур лирикаси, ҳаётийлиги ва таъсирчанлиги билан

Рубенснинг машҳур портрет асари - "Изобелла портрети" (1625).

- Рубенснинг ижодининг сўнгти даври - 30-йиллар

Рубенс қачон оддий халқ ҳаётига бағишлиланган асарлар яратган - ижодининг сўнгти даврида

XVII АСРДА ГОЛЛАНДИЯ САНЪАТИ

- XVII аср Голланд санъатида қайси санъат катта ютуқларга эришди рангтасвир санъати.

- Голланд санъатининг энг гуллаган даври - XVII аср 40-60 йиллари

Буюк голланд рассоми - Рембрандт Ҳарменс ван Рейн (1606-1669).

- Рембрандт санъатнинг қайси турларида ижод қилган - рангасвир, гравюра (офорт) ва қаламсуратда
- Рембрандт қачон энг машхур рассомга айланади - 1632 йили Амстердамга кўчиб келганлан кейин.
- Рембрандтга катта шухрат келтирган асар - "Доктор Тюлпнинг анатомия дарси" (1632)
- Рембрандтнинг буюртмачиларга маъқул бўлмаган асари - 1642 йили ишланган ўқчи ротаси аскарларининг гуруҳ портрети
- Ўқчи ротаси аскарларининг гуруҳ портретининг бошқача номи - "Тунги дозор"
- Рембрандт ижодий камолот чўққисида яратилган асарлар - "Муқаддас оила", "Адашган ўғилнинг қайтиши"
- Рембрандтнинг юксак маҳорат билан ишланган ўткир психологик асари - "Адашган ўғилнинг қайтиши" асари

XVII - XVIII АСРЛАРДА ИСПАНИЯ САНЪАТИ

- Испан санъатининг гуллаган "олтин" даври - XVII асрнинг 80-йилларидан XVIII асрнинг 80-йилларига қадар бўлган давр
- Испан санъатининг машхур рассоми - **Диего де Силва де Мария Веласкес** (1599-1660)
- Европа санъатида биринчи бўлиб меҳнат гўзаллигини шоирона, кўтаринки руҳда талқин этган рассом - Д.Веласкес
- Д.Веласкеснинг "Гилам тўқувчилар" асарида қандай ғоя ётади - оддий кундалик меҳнат тимсолида инсонларнинг баҳт ҳақидаги орзулари ётади.
- Европада реалистик тарихий жанр ривожланишига катта хисса қўшганрассом – испан рассоми Веласкес
- Веласкеснинг тарихий воқеаларни акс эттирувчи асари - “Бреда шаҳрининг топширилиши” асари
- Веласкеснинг портрет санъатидаги машхур асари - Рим папаси тасвиirlанган “Иннокентий X портрети”.

XVII - АСР ФРАНЦИЯ САНЪАТИ 14

- Франциянинг "буюк асри" - XVII аср
- Европа санъатининг ривожланишига катта таъсир ўтказган санъат - Ҳиёбон-боғ (парк) санъати
- XVII аср француз меъморчилигининг нодир ёдгорликлари - қиролича Мария Медичи учун қурилган Люксембург саройи, Версалъ саройи мажмуаси (1603-1689).
- XVII аср француз санъати услублари - Барокко, классицизм ва реалистик санъат йўналишлари
- XVII аср француз санъатига хос хусусият- Декоративлилик ва серҳашамлик ҳамда жимжимадорликка интилиш, воқеликни бирмунча идеалаштириб ишлаш
- XVII аср француз реалистик санъатининг биринчи йирик вакили, график ва қалам суратлар устаси, офортчи - Жак Калло (1592-1635)
- 17 аср француз классицизм санъатининг йирик вакили - Никола Пуссен (1594-1665)
- Никола Пуссенning ижодида барокко таъсири қайси мавзудаги асарларида билинади - Никола Пуссенning диний воқеаларга ишлаган суратларида
- Пуссен ижодида классицизмнинг ўзига хос томонлари қачон кўрина бошлади - 1620 йил охирларидан
- Пуссен ижодига хос хусусият - образларни идеаллаштириш ва композицияни акл-идрок орқали тартибга келтиришга интилиш
- «Танкред ва Эрминия» асар муаллифи - Никола Пуссен
Пуссен манзара жанрига қачондан бошлаб мурожаат қиласи - 1640 йил охирларидан.
- “Геркулеснинг Какус билан бўлган жанги” аса муаллифи - Никола Пуссен
- Француз классик манзарасининг таниқли намояндаси - Клод Лоррен
- XVII аср француз ҳайкалтароши, рассом ва меъмори - **Пер Пюже**(1620-94)